




XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 4-AVGUST, PAYSHANBA, 31 (663)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Япония делегациясининг ташрифи

Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакатнинг маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида 2016 йил 3 август кунини Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг рафиқаси Акиэ Абэ ҳамда япон маданият ва санъат намояндalarидан иборат делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Тошкент халқаро аэропортида Япония Бош вазирининг рафиқаси Акиэ Абэни Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова кутиб олди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар Президентимизнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида барқарор ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил февраль ойида Японияга ҳамда Япония Бош вазирининг 2015 йил октябрда Ўзбекистонга расмий ташрифлари ўзаро муносабатларни янги bosқичга кўтарди.

Мамлакатларимиз ўртасида-

ги ҳамкорликни мустаҳкамлашда маданий-гуманитар алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) орқали ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Японияда Ўзбекистон маданияти ва киноси кунлари ташкил этилмоқда. Кунчиқар юрт ижодкорлари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро анжуманлар, хусусан, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

Бадий академияси ҳузуридаги халқаро маданият карвонсаройига япониялик олим ва мусаввир Ику Хираяма номи берилгани халқларимизнинг маданий яқинлиги фидосидир.

Делегациянинг ташрифи давомида Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган япон аскарлари дафн этилган хотирот ижодкорлари зиёрат қилиши, Ўзбекистон Амалий санъат музейи билан танишиши, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Япониянинг "Драм Тао" ижодий жамоасининг концерт дастури намойиш этилиши белгиланган.

ЎЗА

ПАРЛАМЕНТДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP ва "Миллий тикланиш" ДП фракциялари ўртасида тузилган Демократик кучлар блокнинг навбатдаги йўғлиши бўлиб ўтди. Унда иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИ

Ҳаётий тамойиллар асосида

парламентаризм йил сайин ривожланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

Депутатлар, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, вилоят Ички ишлар бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ЁИХ вакиллари ҳамда журналистлар қатнашган тадбирни қўмита раиси Дониёр Абдуқодиров кириш сўзи билан очиб, истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган сазой-ҳаракатлар изчил ва bosқичма-bosқич амалга оширилаётганини таъкидлаб, бу борада яратилган мустаҳкам қонунчилик базаси парламентнинг профессионал фаолият юртишини таъминлашга хизмат қилаётганини эътироф этди.

Президентимиз ташаббуси билан икки палатали парламентга асос солинган натижасида бугунги кунга келиб, Сенат минтақалар манфаатларини фидо этиб, Қонунчилик палатаси профессионал тарзда иш олиб бормоқда, — деди Д. Абдуқодиров. — Бу эса қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини оширишга, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг уйғунлашувига олиб келди. Давлатимиз раҳбари икки палатали парламент барпо этишнинг мақсади ҳақида тўхталиб, хусусан шундай деган эди: биринчидан, парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва

чеклашлар тизимини яратиши, иккинчидан, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти сифатини кескин ошириш, учинчидан, Сенат асосан маҳаллий кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инobatга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, тўртинчидан, аҳолининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтиришдир. Ҳозирда ҳар иккала палатанинг фаолияти ана шу ҳаётий тамойиллар асосида тобора такомиллашиб бораётди.

Шу билан бирга икки палатали парламентнинг жорий этилгани ва профессионал депутатлар корпусининг шакллантирилгани қабул қилинаётган қонунларнинг янада мукаммал ва халқчил бўлишига, унда минтақалар, барча ижтимоий қатламлар манфаатлари тўлиқроқ фидоаланишига имкон туғдиришмоқда.

Давоми 2-саҳифада >>

Демократик кучлар блоки позицияси белгиланди

Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан депутатлар янги таҳрирдаги қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, унга миллий қонунчилигимиз ҳамда бу борадаги халқаро шартномалар қондаларини инobatга олган ҳолда янги ҳуқуқий нормалар киритилаётганини қайд этишди. Хусусан, унда ботаника ва дендрология боғларининг ҳуқуқий мақомини белгилөөчи, ўсимлик дунёсини асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга оширишга кенг жамоатчиликни жалб этиш ва уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган нормалар билан мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Статистикага мурожаат қилдиган бўлсак, Ўзбекистон флорасини 4600 дан ортққ ўсимлик турлари ташкил этиб, уларнинг 3000 дан ортққини ёввойи ҳолда ўсувчи олий ўсимлик турлари ташкил этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Илҳом Носиров. — Эътиборлиси, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг 324 таси камбўёки йўқолиб кетиш хавфи ostидаги тур сифатида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Шундай экан, бугунги вазият табиат ва унинг ажралмас қисми бўлган ўсимлик дунёсини асраш ва ундан ҳар қандай шарoитда ҳам оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда. Блок аъзолари ҳам масаланинг ушбу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиб, маз-

кур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан масъул миёнага таклиф ва тавсияларини беришга тайёр. Уларнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, қонун лойиҳасида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ННТлар ва энг асосийси, фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга ургу берилган. Фикринимизча, бу масалаларнинг янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида акс этиши унинг маромига етказиб қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда модда-ма-модда муҳокама қилинаётган мазкур қонун лойиҳаси биологик хилма-хилликнинг таркибий қисми бўлган флорани, унинг генетик фондини табиий шарoитларда сақлаб қолиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида бизни атроф-муҳитга эътиёткорона муносабатда бўлишга ундаб, бу борадаги ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ишчанлик руҳида ўтган йўғилиш давомида депутатлар мухолифатдаги фракциялар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган айрим таклифларга қўшилмасликларини билдиришди. Хусусан, ХДП фракцияси аъзоларининг ўсимлик дунёсини объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ўсимлик дунёсини объектлари дав-

лат кадастрини юритиш ишларини фақатгина Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши зарур деган ҳамда "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан илгари сурилаётган камбўёки йўқолиб кетиш хавфи ostида турган ёввойи ўсимлик турларини, уларнинг ҳулосаларини инobatга олинишини кўзда тутувчи таклифлари ўринсиз эканлиги айтилди. Чунки, мамлакатимизда қайси соҳада бўлмасин, руҳсатномалар бериш тартибини соддалаштириш ва уни ўта марказлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари бу ишларга Фанлар академияси олимлари, яъни соҳа мутахассисларининг ҳулосаси асосида ваколатли орган — Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилган руҳсатнома асосида йўл қўйилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳам ҳамоҳанг бўлиб, бу муаммонинг мақбул ечими эканлиги қайд этилди.

Йўғилиш якунида Демократик кучлар блокнинг позицияси ишлаб чиқилиб, масъул қўмитага қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Хусусий сектор манфаатлари – устувор масала

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги очик мулоқот ҳам ана шу тамойилнинг амалда эканини яққол намойиш этди

Маълумки, Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган долзарб вазифалар аини даврда О'zLiDeP фаолияти учун ҳам дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш керакки, мазкур вазифаларнинг ҳар бирида партияимиз Дастури ва Сайловолди платформасида акс этган барча асосий йўналишларнинг мағзи, асос-негизи мужассамлашган. Бинобарин, О'zLiDeP юртимизда олиб борилаётган истиқболли ислохотларни, жумладан, иқтисодиётдаги

таркибий янгиланишларни изчил давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликка янада кенг йўл очиб беришга кўмаклашишга бутун куч ва имкониятини сафарбар этмоқда. Хусусан, ўрта синф вакиллари билан бевосита мулоқотлар тизимини ривашда ўтказилиб, иштирокчиларга тadbirkorликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган норматив ҳужжатлар мазмун-моҳияти етказилапти, билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўрганилиб, мулкдорларни ташвишлантираётган масалаларга кенг жамоатчилик, тегишли идоралар диққати жалб қилинапти.

Давоми 4-саҳифада >>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2258,84	1 АҚШ доллари	2969,43	1 Хитой юани	447,68	1 Польша злотийиси	762,02	1 ЕВРО	3302,01
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 2 августдан бошлаб валютa операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳарқий валюталарнинг сўраги нисбатини қўйидаги қўймакни белгилади.	1 Англия фунт стерлинги	3934,79	1 Миср фунти	334,40	1 Россия рубли	44,29	1 СДР	4137,54	10 Жанубий Корей вон	26,74
*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.	1 Дания кронаси	446,20	1 Исландия кронаси	25,07	1 Украина гривнаси	119,70	1 Туркия лираси	994,58	10 Япония йенаси	290,01
	1 БАА дирхам	808,47	1 Канада доллари	2278,39	1 Малайзия ринггити	737,56	1 Швейцария франки	3066,01		

ЖАРАЁН

Ҳаётинг тамойиллар асосида

парламентаризм йил сайин ривожланмоқда

44 Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

Шунингдек, давра суҳбатда иштирокчилар томонидан Ўзбекистонда замонавий парламентаризм тараққийнинг босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилиши асосида Олий Мажлиснинг парламент назорати бўйича фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, бугунги кунда Олий Мажлис қонунлар, давлат дастурлари, қисқача айтганда, муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ажроси устидан парламент назоратини самарали амалга ошириб келмоқда. Бу эса Президентимиз томонидан парламент палаталарининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, конституциявий ислохотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилишига замин ҳозирламоқда.

Давра суҳбатда масаланинг шу ва бошқа жиҳатлари тилга олиниб, миллий парламент фаолияти мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустақамлашга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Тадбир низоҳида *“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”* тамойили асосида амалга оширилаётган исчилик ислохотлар, шунингдек, парламент томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, мазкур кўмита ташаббуси билан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда “Сиёсий ўзгаришлар — мустақил Ўзбекистоннинг барқарор давлат ривожланишининг муҳим омил” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, “ўзбек модели” деб ном олган ўз тараққийёт йўлини танаб олди. Ушбу моделнинг маъно-маъмуни — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодийни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устуңлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва исчилик олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.

— Мазкур ислохотларнинг асоси энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бориб тақалади. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Дилфуза Уролова. — Зеро, Бош қомусимиз бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусу-



сий мулк устуворлигини мустақамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим пойдевориға айланди. Қолаверса, мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари ҳаётига исчилик татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва суд тизимини либераллаштириш, унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича гоёя долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди.

Конструктив тарзда ўтган тадбир якунида иштирокчилар кун тартибидаги масала бўйича мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришларнинг мақсади ҳамда аҳамияти ҳақида фикр алмашдилар.

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан ҳам кўмита аъзолари, соҳа мутахассислари, олимлар, экспертлар ҳамда тегишли вазирилик ва идораларнинг вакиллари иштирокчида “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги: Қишлоқ ҳўжалигида эришилган натижалар ва барқарор ривожланиш омил” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда сўз олганлар истиқлол йилларида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилаётгани, бунинг самараси ўлароқ соҳада ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётганини қайд этишди. Хусусан, кўртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сўт ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда тайёрланмоқда. Шу билан бирга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ҳам кенгаймоқда.

Шу маънода яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган

Халқаро мева-сабзотов ярмаркаси жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг муҳим омил бўлган қишлоқ ҳўжалигидаги таркибий ўзгаришларни мантиқан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади десак, асло муболага бўлмайд.

Давра суҳбати давомида мустақиллик йилларида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун йигирмадан ортиқ қонунлар ва 100 дан зиёд қонуноти ҳужжатлари қабул қилиниб, улар амалиётга исчилик билан татбиқ этилаётгани таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Насчилик тўғрисида”ги, “Уруғчилик тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғрисида”ги, “Усимликлар карантини тўғрисида”ги Қонунлари аграр соҳа тармоқларини жадал ривожлантириш учун мукамал ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Бунга ҳамоҳанг тарзда айна кунларда кўмитамиз томонидан 10 га яқин янги қонунлар устида фаол иш олиб борилмоқда, — дейди парламент куйи палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Исроҳмон Зокиров. — Мазкур жараёнда ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси атрофича ўрганилмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда ер, сув, об-ҳаво, ишчи кучи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари турлари ва бошқа шунга ўхшаш бир қатор ҳолатлар ҳисобга олинмоқда. Бизнинг фикримизча, аграр соҳага оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш учун қишлоқ ҳўжалигида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ва уларни ижросини назорат этувчи яхлит тизим яратилиши лозим. Бундай тизим соҳага оид ҳуқуқий механизмларни янада самаралироқ ишлашига хизмат қилади.

Қизгин муҳокама-мунозара тарзида кечган давра суҳбатда иштирокчилар бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Тадбир сўнгиде мамлакатимиз қишлоқ

ҳўжалигини янада ривожлантириш, соҳага доир қонун лойиҳалари сифатини яхшилаш, шунингдек, қабул қилинган қонунларни амалга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

БУНЁДКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

О‘зЛиДеР фракцияси масъулидаги Саҳноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси ҳам “Мустақиллик йилларида замонавий уй-ҳойларнинг қурилиши аҳоли фаровонлиги ошишининг муҳим омил” мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Депутатлар, Архитектура ва қурилиш давлат кўмитаси, “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси, “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” Бош лойиҳа тадқиқот институти вакиллари, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банки, вазирилик ва идоралар, тадбиркор ҳамда ОАВ ходимлари қатнашган тадбирда Президентимизнинг қишлоқ ҳойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-ҳой қурилишига доир Дастурларнинг қабул қилиниши қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш қиёфасини тубдан яхшилашда, замонавий уй-ҳой қурилиш кўламини кенгайтиришда, қишлоқда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши эътироф этилди.

2009-2015 йилларда мазкур Дастурлар асосида 56500 та барча қўлайликларга эга бўлган замонавий ва шинам уй-ҳойлар бунёд этилди. Янги қишлоқ массивларининг қурилиши муҳандислик-транспорт коммуникациялари, яъни ички йўллар, ичимлик суви таъминоти, табиий газ ҳамда электр энергияси, шу жумладан, ижтимоий соҳа объектлари бўлган мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла гузарлари, минчи банклар, машиий хизмат объектлари, савдо мажмуалари ва болалар спорт майдончаларининг замонавий лойиҳалар асосида барпо этилишига замин яратди.


Тадбирда давлат томонидан намунавий лойиҳалар асосида ипотека кредитлари олиш бўйича шартнома тузаётган фуқароларга берилаётган имтиёзлар хусусида ҳам сўз юритилди. Таъкидландики, ипотека кредитлари узоқ муддатга, яъни 15 йилгача бўлган даврга ажратилиб, кредитнинг асосий қарзини қайтарилиши бўйича 3 йиллик имтиёзли давр белгиланган ҳамда имтиёзли кредит фоизи 7 фоизни ташкил этади. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг имтиёзли кредит маблағлари ҳамда уларнинг фоизларини қоплаш учун йўналтирилган қисми даромад солиғидан озод қилинади ва ер участкаси умрбод мерос қўли қолдирилган мулк сифатида расмийлаштирилади.

Йўғилишда мамлакатимиз қишлоқ ҳойларига хусусий уй-ҳойларни қуриш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ягона қурилиш регламенти ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги қайд этилди.

Акбар МУЗАФФАРОВ, “XXI asr” мухбири

Иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий соҳада қўлга киритилган муваффақиятлар замирида, энг аввало, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, осойишталик муҳассамдир. Зотан, тинчлик ва хавфсизлик таъминланган жойда иқтисодий ўсиш, тараққийёт ҳақида уйлаш мумкин. Шу боис мустақиллиқнинг дастлабки кунларидан бошлаб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизнинг мудоффа қўбиятини мустақамлаш борасида исчилик ислохотлар амалга оширилди.

Тинчлик учун курашмоқ керак



Тўлқин КАРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси

Хусусан, мудоффа ва хавфсизлик тузилмалари сафи миллий кадрлар билан тўлдирилиб, барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армия барпо этилди. Шунингдек, муддатли харбий хизматга қақриши бир йилда бир марта ташкил этилиб, уни ўташ муддати бир йил қилиб белгилангани, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик резерви хизмати жорий этилгани миллий армиямиз қиёфасини ва унинг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Армиянинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи — харбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётини позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун харбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демақдир”.

Дарҳақиқат шундай, зеро, профессионал армияни шакллантириш йўлида амалга оширилган ислохотлар туфайли бугунги кунда Қуролли кучлар сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки энг нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шароф ишига айланди. Айна пайтда харбий хизматни ўташ истагида бўлган ешларнинг сони кўндан кўнга ортиб бораётгани бу йўналишдаги ислохотлар нақадар тўғри эканини кўрсатиб турибди. Айтиш жоизки, бу борада қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар армиямиз қиёфаси, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, харбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни ижобий томонга ўзгартирди.

Таъкидлаш жоиз, дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ худудларда, ён-атрофимизда қарама-қаршиликлар авж олаётган бир вазиетда, миллий манфаатларимизга мос равишда ташки сиёсатнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Хусусан, 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонунга биноан Ўзбекистоннинг турли харбий сиёсий блокларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз худудидида хорижий давлатларнинг харбий базаларини жойлаштиришига йўл қўймаслиги, очик, исчилик ва фаол ташки сиёсат олиб боришининг ҳуқуқий асослари этиб белгиланди. Ўзбекистон томонидан терроризм, диний экстремизм ва гийҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, Марказий Осиё худудидида экологик муаммолар, трансчегаравий дарёлар суваридан оқилона фойдаланиш бўйича билдирган қатор тақлиф ва ташаббуслари ҳам дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва сайёрамизни муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Мамлакатимизнинг тинчликпарвар сиёсати, хавфсизликни таъминлаш соҳасида олиб бораётган ишларига дунё жамоатчилиги томонидан юксак баҳр берилмоқда. Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида қатнашган экспертлар Ўзбекистоннинг минтақادا хавфсизликни таъминлашга бебаҳо ҳисса қўшаётганини эътироф этдилар. Бу кадр-қиммати, гурурини англаб яшаётган, ўзини ҳимоялаш қудратига эга давлатни жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганидан далолатдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тинчлик — истиқлолни асраш, тараққийёт ва фаровонлиқнинг асосий омил. Шундай экан, Президентимиз таъкидланганидек, “фақатгина тинчликни ният қилишимиз, орзу қилишимиз эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусоффо осмон учун албатта курашшимиз даркор”. Бу ҳаётини ўғит ҳар биримизнинг шарафли бурчимизга айланмоғи лозим.

О‘зЛиДеР ТАШАББУСИ

Биз — бир сафдамиз!

О‘зЛиДеР ташаббуси билан ўтказилаётган “Еш тадбиркорлар ва фермерлар форуми” бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Айна пайтда ташкилий кўмита томонидан тадбирнинг юқори савияда ўтказиш, унда иқтидорли ешларнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида барча саъй-ҳаракатлар олиб борилаётди. Мақсад битта. У ҳам бўлса, мазкур форум орқали иқтидорли йигит-қизлар эришган ютуқларни эътироф этиш, ешлар орасида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, уларнинг бу борадаги ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Исламбек ПАНАЕВ, тадбиркор, Қорақалпоғистон Республикаси: — Мен истиқлол тенгдошиман — ёшим 25 да. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб шаҳару қишлоқларимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари қурувчилик соҳасига бўлган қизиқишимни янада кучайтирди ва ҳозирги кунда қурилиш молларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Строй вектор” масъулияти чекланган жамияти директор ўринбосари лавозимида ишлаб келяпман. Дастлаб Нукус шаҳрида қад кўтарган замонавий уй-ҳойлар қурилишида фаол иштирок этиб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини мустақамлашдим. Олган билларим асосида 2012 йилда ташкил этилган корхонамиз

фаолиятини янада ривожлантиришда ўз ҳиссамни қўшиб келяпман. Қўлга киритилган муваффақиятлардан руҳланиб, 2013 йилда Италиядан сутни қайта ишлаш технологияларини олиб келдик ва корхонамиз қошида цех очдик. 24 турдаги маҳсулотлар тайёрланаётган цехимизда 25 нафар ишчи ходим меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти тенгқурларим. Рустам МУЗАФФАРОВ, ҳунарманд, Қашқадарё вилояти: — Мен асли қўлоллар сулопасиданман. Иш фаолиятимни 2012 йилда “Хунарманд” уюшмаси аъзоси сифатида бошладим. Шу кунгача Шаҳри-сабз қўлолчилик услубида қадимий

турдаги санъат асарларини қайта тиклаб, сулола аънарасини давом эттириб келяпман. Касбимга меҳрим банд. Яратган маҳсулотларимизни республика ва халқаро танловларда намойиш этапмиз. 2007 йилда “Юрт келажиги” танловининг ҳал қилувчи босқичида биринчи ўринни эгалладим. Шунингдек, кўплаб халқаро кўразма ва фестивалларда фаол қатнашиб, 2015 йилда энг сифатли ва аънавий, жаҳон маркетидаги талабларига жавоб берадиган ишларим учун ЮНЕСКО фондининг Бутун жаҳон сифат белгисини қўлга киритдим. Жорий йил мен учун қувончли келди — “Ташаббус-2016” кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринга сазовор бўлдим. Яқинда эса давлат гранти асосида Хитойда малака ошириб қайтдим. Ҳозирда янги асарлар яратиш устида ишлаяпман.

Салоҳиддин ФАЗЛИЕВ, тадбиркор, Самарқанд вилояти: — Энг аввал ўз фаолиятимни офис менежер сифатида бошлаган бўлсам, бугунги кунда “Amir-ul-Bahr VMC” МЧЖ директори ўринбосари лавозимида ишлаяпман. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамизда 37 ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги коллеж битирувчиларидир. Замонавий технологиялар ва инновацион лойиҳаларга қизиқишим бандлиги боис хориждан корхонамизга янги замонавий ускуналарни олиб келдик. Фахр билан айтишим мумкинки, бугунги кунда ишлаб чиқараётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотларимизни хорижий мамлакатларга экспорт қилишни ўйлаб қўйганмиз. Ички ва жаҳон бозорларини мунтазам равишда кузатиб бораёпман. Миллий маҳсулотларимизга бўлган талаб кун сайин ортмоқда. Мазкур тамойилларни чуқур ўрганган ҳолда янги дизайн ва маҳсулот турини қўлайтириш устида ишлаяпмиз.

Файзиддин ТЕМИРОВ, партия фаоли, Бухоро вилояти: — Мен ҳам партиянинг “XXI аср интеллектуал авлод асри” шиори остида ўтказилган худудий илмий-амалий конференциясида ўз ишланмаларим билан қатнашиб, фахрли ўринни қўлга киритдим. Шунингдек, “Ешлар Ўзбекистонининг ишончи, таянчи ва қудратли кучидир” танловида иштирок этиб, аниқ фанлар соҳасида эришган ютуқларим учун 2015 йилнинг “Энг фаол талабаси” номинациясига сазовор бўлдим. Бундан ташқари, “Еш тадбиркор — юртга мадақдор” лойиҳасининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, финал босқичида фаол иштирок этдим. Бизнес ва уни бошқариш соҳасига бўлган қизиқишим юқорилиги сабаб ҳозирда “Еш тадбиркор” консультатив марказида бизнес-тренер сифатида фаолият олиб бораёпман. “XXI asr” мухбири Ҳасан САЛОМОВ ёзиб олди.

СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

ДЕПУТАТ ВА ЖАМИЯТ

Истиқлолим, қадринг улуг!



Раҳматилла КАМОЛОВ,
O'zLiDeP
Фарғона вилояти
Кенгаши раиси

✓ Ҳадемай энг улуг ва энг азиз айём – мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамини кенг нишонлаймиз. Халқимиз ушбу санани муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, мустақиллик туфайли асрий орзуларимиз ушалиб, ўзлгимиз қайта тикланганди.

Шундай экан, улкан мақсадлар сари дадил оидмалаётган Ўзбекистоннинг чорак асрлик истиқлол йўли тарихининг шонли саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилишига шубҳа йўқ. Ана шу даврда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида халқнинг турмуш даражаси юксалди, юртимизнинг

ҳар бир ҳудуди янги қиёфага кирди. Буларнинг барчаси истиқлол туҳфасидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эркин ва демократик жамият барпо этиш, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг орзу-истакларини рўйбга чиқариш давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланди. Конституциямизда ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолатланган ва уни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу "Ислохот ислохот учун эмас – энг аввало, инсон учун" деган тамойилнинг ҳаёт ҳақиқати айланганидан далолатдир. Ватанимизда яшаётган барча халқ, миллат ва эллатар тарихи, урф-одат ва анъаналари, тили ва маданияти ҳамisha эъзозда. Зеро, турли миллат вакиллари ўртасида тенглик, аҳиллик ва ўзаро ҳамжихатликни қарор топтириш ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бирidir.

Айниқса ҳуқуқий-демократик давлат сифатида тараққий этаётган Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришнинг ўзига хос, миллий тизими – маҳалла мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, маҳаллага турли эзгу ғоялар, инсонийлик ва меҳр-муҳаббатни тарғиб этувчи маскан сифатида қаралади. Шу боис маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари зиммасига халқ ҳаётига янада чуқурроқ кириб бориш, уларни қийнаётган айрим масалаларни ҳал этиш вазифаси юклатилган.

Мамлакатимизда демократик тамойилларнинг

чуқурлашиши натижасида жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ҳам кучайиб бораётир. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида" Конституциявий қонуннинг қабул қилингани мамлакатда плюрализм тамойилини амалга оширилишига замин яратиб, сиёсий партиялар ва депутатлар зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда. Кўппартиявийлик, фикрлар хилма-хиллиги ислохотлар самарадорлигига, аҳолини ўйлантираётган айрим масалалар ечимига ижобий таъсир кўрсатаётир.

Демократия ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, орзу ва ниятларидан намоён бўлади. Унинг маълум бир ўлчови бўлмаганидек, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга экспорт қилинмаслиги ҳам демократиянинг ўзига хос хусусиятидир. Бизнинг демократиямиз халқимизнинг асрий қадриятлари билан уйғун ва ҳамохан. Тараққиёт йўлимиз ўзимизга хос, такрорланмас, тарихий тажрибаларимизга асосланган. Халқимиз ҳаётини яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш, уларда хусусий мулкка муносабатни шакллантириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ўз иқтидорини намоён қила оладиган, мустақил фикри ва дунёқарашига эга, жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялаш энг асосий вазифамиздир. Ана шу умуммиллий вазифага ҳисса қўшиш шу юртда туғилган ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир.

ШУКУҲ

✓ Бугун барча ҳудудларда бўлганидек, кўҳна Бухорода ҳам "Ўзал ва бетақоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо Ўзбекистоним!" шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирлар кўлами кенгаймоқда.

Қалбларда юрт мадҳи

Шундай учрашулардан бири O'zLiDeP Бухоро шаҳар Кенгаши томонидан вилоят марказидаги Абу Али ибн Сино номли Фавворалар хиёбонида уюштирилди. Унда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ўзгача қиёфа касб этаётгани, бунга ҳамохан тарзда фуқароларимизнинг маънавий дунёқарашини юксалиб, юрт қорига ярайдиган ёшларнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётганини қайд этилди.

– Дарҳақиқат, эртанинг эгаларида янгича дунёқарашининг шаклланиши, истиқлол ғояларига садоқатнинг устуворлиги ёруғ келажакимиз ишончли қўлларда эканлигидан далолат, – дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши раиси Фармон Аминов. – Партиямиз ҳам ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жисмонан ва маънан етук йигит-қизларни камол топишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу борада қатор партиявий лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилапти.

Тадбир ташкилотчилари таъкидлаганидек, асосий мақсад O'zLiDeP аъзолари сафини айнан билимли, ишбилармон, ташаббускор ёшлар билан кенгайтиришдан иборат.

Ўз мухбиримиз

Моҳиятан – ҳурлик ва озодлик, мазмунан – яратувчилик ва бунёдкорлик, тинчлик ҳамда фаровонлик тушунчаларини ўзда жам этган истиқлол байрами шуқуҳи O'zLiDeP Жиззах туман Кенгаши таркибидagi бошланғич ташкилотлари ўтказаятган тадбирларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ана шундай байрамолди тадбирларидан бири – Жиззах туман "Сувоқова давлат унитар" корхонаси қошида ташкил этилган ҳамда фидойи маслақдошларимиздан бири Маҳмуд Дўстмуродов етакчилик қилаётган БПТ фаоллари ташаббуси билан ташкил этилди.

Тадбир давомида маҳаллий кенгаш депутатлари мустақиллик туфайли барча соҳаларда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар кўлами ва моҳияти, истиқлол берган имкониятлар ҳақида сўз юритиш билан бирга, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда ҳар бир партия аъзосининг ўрни, айниқса, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармон ва тадбиркорларни, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳар бир партия фаоли олдига қўйилган вазифалар ҳақида сўз юритдилар.

Таъкидлаш жоизки, 12 нафар аъзони бирлаштирган ушбу куйи бугун нафақат оммавий ва партиявий тадбирларни, балки O'zLiDeP ташкиллаштиряётган истиқболли лойиҳаларни ўтказиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сафимизга янги аъзоларни жалб этишда ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатиб, маслақдошларимизга ибрат бўлиб келмоқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

ИШБИЛАРМОН ТАЛАБА – 2016

Келажак бунёдкорлари

ҚАШҚАДАРЁ

– Ёшлигимдан Шаҳрисабз ироқи каштачилиги билан шуғулланман, – дейди Китоб тумани Севаз қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи талабаси Зиёда Абдурахимова. – Айни пайтда қизларга хунар ўргатиб келаяпман. Келгусида декоратив буюмлар тайёрлаш, тўқувчиликни йўлга қўймоқчиман. Шунингдек, кредит олиб, хонадонимдаги кичик "Ўқув марказ"ни кенгайтириш, қўллаб-қувватлаш билан бандлигини таъминлаш ниятидаман.

Қамаши қишлоқ хўжалик коллежи ўқувчиси Малика Сулонова томонидан тайёрланган ёғоч ўймакорлигининг бетақор намунаси бўлган сувенир маҳсулотлар, чироқчилик Дурдона Шарипова ва Сурайё Ёшдавлатовалар тайёрлаган турли хил гиламлар, миллий либослар ҳайрат аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилди. Шаҳрисабз озиқ-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш коллежи талабаси Ситора Очилова томонидан яратилган замонавий кийим-кечаклар танловга келган ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, воҳада касб-хунар коллежлари битирувчиларини корхона, ташкилотларда амалиётни ўтказиш, ишнинг шариоати яратилиш, устоз-шогирдлик анъаналарини йўлга қўйиш, ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича



жамоада ишни давом эттиришларини таъминлаш борасида амалий ишлар қилинапти.

– Замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги ишланма ва дастурлар яратган ёшларнинг изланишларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, – дейди O'zLiDeP вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Баҳодир Юсупов. – Мубораклик талаба Ёдгор Тўймуродов яратган веб-сайт касб-хунар коллежларини битирган ёшларга тадбиркорликни қандай бошлаш борасида дастур вазифасини

"Ишбилармон талаба" кўрик-танлови ҳар йили Қашқадарёда юзлаб янгидан-янг истеъодларни кашф этади. Айтиш жоизки, танловнинг бу йилги шаҳар ва туман босқичларида 500 га яқин йигит-қиз иштирок этди. Қарши банк коллежида ўтказилган вилоят босқичида улар орасидан саралаб олинган 42 нафар ўқувчининг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий билимлари синовдан ўтказилиб, тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик, зардўзлик, хунармандчилик борасида тайёрлаб келган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди.

Ўтайди дейиш мумкин. Миришкорлик Мухриддин Аҳмедовнинг глобаллашуви даврида интернетдан самарали фойдаланиш борасидаги веб сайти кўпчиликлда қизиқиш уйғотди. Талаба Фаррух Кенжаевнинг зилзила вақтида ҳаракатланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги лойиҳасида уларни зилзилага бардошли қилиб қуриш, хонадонларда эҳтиёткорлик зарурлик жамламаси, яъни, дори-дармон қўтиши, озиқ-овқат, сув, вақтинчалик палатка, қўл чироқ ва бошқа зарурий ашёларнинг мавжудлиги борасида долзарб фикрлар ўртага ташланди.

Ироқи каштачилик, қандолатчилик, тикувчилик ва дизайнерлик бўйича голибликни қўлга киритган Севаз қишлоқ хўжалик, Қарши тиббиёт ва Фузур нефть-газ саноати коллежлари талабалари Зиёда Абдурахимова, Меҳрибон Исмаилова ва Нормухаммаддўст Тўраевлар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиб, O'zLiDeP вилоят Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

ФАРҒОНА

Фарғона шаҳар ҳуқуқшунослик коллежида O'zLiDePнинг "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Бундан қўзланган мақсад, ёшлар ўртасида ишбилармонлик муҳитини яратиш, уларнинг сиёсий-иқтисодий жараёнлардаги фаолигини оширишдир. Айтиш жоизки, лойиҳа доирасида ўтган йиллар мобайнида турли йўналишларда 292 нафар иқтидорли ёшлар голибликни қўлга киритишган.

Танлов аяқуларига кўра, Марғилон хунармандчилик коллежи ўқувчиси Ш. Мухасенова биринчи, Тошлоқ тумани иқтисодиёт коллежи ўқувчиси М. Орипова ик-

кинчи, Риштон туман политехника касб-хунар коллежи ўқувчиси Т. Ҳайдаров учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Мухтасар айтганда, ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар натижасида интеллектуал салоҳияти юқори, иқтидорли, юртимиз шаънини ҳимоя қилишга қодир йигит-қизлар сони тобора кўпайиб бораётир. Бўлиб ўтган танлов доирасида ёшларимиз қобилиятларини намоён этишди.

А.ТУРҒУНБОВ,
O'zLiDeP Фарғона вилоят Кенгаши ҳузуридаги
Сиёсий таълим маркази раҳбари ўзининг

Депутат – бу халқдан чиққан, халқнинг дарди билан яшайдиган инсон. Агар у эл-юрти деб ташвиш чекадиган бўлса, шу мақсадда фидойилик кўрсатадиган бўлса, мана шундай одамларни мен депутат деб биламан.

Ислом КАРИМОВ

Давр билан ҳамнафас

Президентимизнинг ушбу пурмаъно сўзлари Олий Мажлис Сенати аъзоси. Халқ депутатлари O'zLiDeP Бухоро вилояти Кенгаши депутати Тоҳир Бахронов фаолиятида ўзига хос дастуриламал вазифасини ўтаётир, десак муболага бўлмайди. Зотан, ҳамюртлари манфаатини ўз манфаатидан устун қўя оладиган депутатгина сайловчилар ишончини қозониши, ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсата олади.

Маълумки, депутатлик сўрови, аввало, давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга оширади, қонулар ижросига табиий равишда таъсир кўрсатади. Энг асосийси, сайловчилар, партия электорати вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган давр мобайнида депутат томонидан тегишли корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига 50 дан ортиқ депутатлик сўровлари юборилган бўлиб, уларда илгари сурилган долзарб масалалар ижобий ҳал этилмоқда. Масалан, Бухоро тумани ҳокими номига йўлланган депутатлик сўровида 54-Лоша МФЙ ҳудудидида истиқомат қилувчи аҳолидан тушган мурожаатга биноан фуқароларни қонуний рўйхатга олиш, уй-жойларни белгиланган муддатларда кадастр қилиш сингари масалалар орадан кўп ўтмай ўз ечимини топган. Шунингдек, Бухоро шаҳрининг С. Айни МФЙ га қарашли Гидрогеология аҳоли пункти ҳудудидида бўш ер майдонида болалар спорт майдончасини ташкил этиш ва тегишли анжомлар билан таъминлаш борасидаги мурожаат ҳам депутат Т. Бахроновнинг шаҳар ҳокими номига йўллаган депутатлик сўрови туфайли ўз ечимини топди.

Депутатимиз Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хизмат, алоқа ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари доимий комиссияси раиси сифатида ҳам изчил фаолият олиб бормоқда. Ушбу комиссия томонидан кейинги пайтда "Бухоро вилоятида ер ости сизот сувлари сатҳини қамқайтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида"ги, шунингдек, "Вилоят бўйича нарх-навоми мақбуллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ҳақида"ги масалалар атрофида ўрганилиб, жойлардаги мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганиги эътиборга моликдир.

Т. Бахронов Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмақлашиш комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари вилоят кенгаши ишчи гуруҳи раҳбари сифатида ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Гуруҳ томонидан жойларда Сенат мажлисларида маъқулланган қонулар, қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга бағишланган йиғилишлар ўтказилапти.

Эътиборлиси, ишчи гуруҳи томонидан вилоятнинг шаҳар ва туманларида долзарб мавзуларда ташкил этиб келинаётган давра суҳбатлари, семинар машғулотлари ва бошқа тадбирлар O'zLiDeP дан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу тариқа Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 20, шаҳар ва туман кенгашлардаги 143 нафар депутат фаолияти давр талаблари даражасида олиб борилапти.

Ишчи гуруҳининг вилоят ҳокимлиги ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда Қорақўл туманида Жондор, Олот ва Қорақўл туман Кенгашлари депутатлари иштирокида "Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда депутатлик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида ўтказган семинари бунга аниқ мисол бўла олади.

Таъкидлаш жоиз, депутатнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари ҳамisha самимий, очик-ошкора руҳда, жонли мулоқотлар тарзида ўтмоқда. Бухоро шаҳридаги Депутат ўз сайловчилари билан юзма-юз мулоқотлар чоғида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга сиз Президент фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти, соҳа ходимларига белгиланган имтиёз ва преференциялар хусусида батафсил маълумотга эга бўлмоқдалар. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори барча ҳудудларда бўлганидек, Т. Бахронов депутатликка сайланган 1-Дўстлик сайлов округида ҳам мамнуният билан кутиб олинди. Шу кунларда бу ерда ҳам ушбу қарордан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди, қўлгум сангага пухта тайёргарлик кўриляпти.

Депутат томонидан жойлардаги O'zLiDeP кўйи бўғинлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини қонлантириш, партия сафини тадбиркорлар ва ёшлар ҳисобидан тўлдиришга ҳам доимий эътибор бериб келинмоқда. Ҳар ойнинг биринчи шанба кунинда депутатнинг жамоатчилик қабули ўтказилапти. Бундай қабулларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад партия электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, аҳоли турли қатламларини ташвишлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиб, O'zLiDeP обрў-эътиборини янада оширишдан, унинг тарафдорлари ва маслақдошлари сафини кенгайтиришдан иборатдир.

– Истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар самарасини бугун барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, – дейди Т. Бахронов. – Одамларимиз онгу тафрактурида юз берган ўзгаришлар, уларнинг сиёсий фаолиги ва фуқаролик позицияси тобора мустаҳкамланиб боришига хизмат қилмоқда. Биз депутатлар ўз фаолиятимизни ана шундай ҳаётий тамойиллар орқали олиб боришимиз, O'zLiDeP Дастури ва Сайловчи платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга эришишимиз зарур.

Халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти йўлида олиб борилаётган фидойи меҳнат ҳар қанча эътироф этмоққа арзийди. Шу маънода партиямиз Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ўтган йили илк мартаба ташкил этилган O'zLiDePдан маҳаллий вакиллик органларига сайланганлар орасида "Йил депутати" номинацияси бўйича Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати Тоҳир Бахронов голибликни қўлга киритди. Бу билан у депутатлик ва партиявий фаолиятида қўтилган самара ва натижаларга эришяётганини амалда яна бир бор намоён этди.

Албатта голибликни қўлга киритиш осон иш эмас. Лекин ана шу мавқеини сақлаб қолиш ундан-да мушкул вазифа ҳисобланади. Бу йўлда давр билан ҳамнафас, фаол ва изланувчан маслақдошимизга улкан зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Асхор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

ФАОЛИЯТ

Хусусий сектор манфаатлари – УСТУВОР МАСАЛА

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги очиқ мулоқот ҳам ана шу тамойилнинг амалда эканини яққол намойиш этди



Солиқ ЗОИР билан суратлар

«Давом. Бошланғич 1-сahифада»

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий очиқ мулоқотларнинг навбатдагиси ҳам электоратимиз вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, етакчи тижорат банклари ҳамда бошқа ташкилот ва идоралар масъул ходимлари хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар хусусида сўз юритиб, саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

Этиборлиси, қизгин кечган савол-жавоб жараёнида хусусий секторнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, юртимизда қўлай ишбилармонлик муҳити вужудга келгани яққол намойиш бўлди.

Ҳар бир савол жавобсиз қолмади

Тадбир давомида рақамлари газетада эълон қилинган иккита телефон рақами орқали, шунингдек, электрон манзилимиз ҳамда юзма-юз тарзда ишбилармонлар, қишлоқ мулкдорлари, газетхонларнинг муносабатлари узлуксиз қабул қилинди. Қайд этиш керакки, юртдошларимизнинг фаоллашгани, ташаббускорлиги, онгу тафаккури юксалгани берилган саволларнинг мазмуни ва савиясида ҳам кўзга ташланди.

Очигини айтиш керак, 100 га яқин саволларга тегишли идора ва ташкилотлардан ташриф буюрган масъуллар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

САВОЛ: Фермер хўжалиқлари асосий экиндан кейин тақририй экин экиб, ҳосил олса, даромад солиғи тўлайдими?

Аваз Азимов, Оҳангарон тумани.

ЖАВОБ: Амалдаги қонун ҳужжатларида тақририй экиндан кейин тақририй экин фойда даромад солиғига тортилмаслиги белгилаб қўйилган. Аксинча уларни фермер хўжалигининг иқтисодий аҳолини яхшилаш ва ишчиларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтириш мумкин.

Б. Жуманов, Зангиота туман давлат солиқ инспекцияси ходими

САВОЛ: Мен мевазор боғ ташкил этмоқчиман. Шу боис соҳага оид қонунлар мазмун-моҳиятини пухта билишим керак. Хусусан, дарахт қўчқарлари эканидан кейин қанча муддат ўтган, мева-сабзаотларни қайта ишлаш корхоналари билан тегишли шартномани тузишим керак?

Шароф Ўтабоев, Арнасой тумани.

ЖАВОБ: Шартнома тузиш муддати экинган кўчатнинг ҳосил беришига боғлиқ. Боғини 2-3 йилда ҳосилга кирадиган ниҳоллар экан бўлсангиз, шунча муддатдан кейин шартнома имзолашингиз мумкин. 5-7 йилда ҳосилга кирадиган навлар экинган бўлса, шунча вақт мобайнида қайта ишловчи корхоналар билан шартнома имзолашга мажбур эмасиз. Қисқаси, корхона билан қачон шартнома имзолаш тадбиркорнинг ўз ихтиёрида. Бу борада қандайдир чеклов ёки мажбуриятларга йўл қўйилмайди.

Муҳаммад Қосимов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходими

САВОЛ: Илгари яқна тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланганман. Энди ишлаб чиқаришга қўл урмоқчи эдим. Қандай маҳсулотларни тайёрлашни йўлга қўймоқчиман. Бунинг учун менга бошланғич сармоя зарур. Шу мақсадда кредит олмақчиман. Ўзим учун ҳар томонлама қўлай кредит олиш учун қайси банкка мурожаат қилишим керак? Бундай корхоналар учун қандай имтиёзлар кўзда тутилган?

Гулнора Абдуллаева, Миробод тумани

ЖАВОБ: Бугунги кунда тақдим этилаётган барча кредитлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида келиб чиқиб белгиланади. Мазкур ставка эса 9 фоизни ташкил этмоқда. Демак, йиллик 9 фоиздан кам бўлмаган устам тўлаш шарт билан кредит олишингиз мумкин. Шунинг баробарида "Микрокредитбанк" томонидан сизга 3 фоиз устам тўлаш шарт билан кредит берилиши ҳам мумкин. Аммо банк тавсия этаётган кредит микдори кўп эмас. Қандай маҳсулотларни ишлаб чиқариш чеклини ташкил этиш у қадар кўп маблаг талаб этмаслигини ҳисобга олсак, сизга кам устамга фойзли, кичик ҳажмли кредит ҳам етарли. Шу боис "Микрокредитбанк"нинг туманидаги филиалига мурожаат қилишни маслаҳат берамиз. Энди саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, сиз ташкил этмоқчи бўлган корхона истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шу боис ана шу турдаги корхоналарга тааллуқли барча солиқ ва мажбурий тўловларни амалга оширасиз.

Фарҳод Алимжонов, "Микрокредитбанк" ходими

САВОЛ: Ўзим яшаб турган уй ҳовлисида савдо дўкони очмоқчиман. Бунинг учун қарغا мурожаат қилишим керак?

Нуриддин Шаҳобидинов, Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш учун қонунларимизда фуқаронинг ўзи яшаб турган уйда ҳам савдо дўконини ташкил этишига рухсат берилади. Демак сиз оилавий корхона сифатида рўйхатдан ўтишингиз мақсадга мувофиқ. Бу сизга қатор солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Энг муҳими, уйингизни нотурар жойга айлантиришингиз шарт эмас. Бир пайтлар уйда дўкон очиб ўзини тўлиқ ҳошимлиги, архитектура бўлими ва бошқа идораларга бориш, бир қанча ҳужжат йиғиш талаб этилар эди. Ҳозир бундай овозгарчиликларга барҳам берилган. Бу борада туман ҳокимлигидаги "Ягона дарча" марказига мурожаат этсангиз kifoya.

Нодир Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори.

САВОЛ: Пахта тайёрловчи ташкилот билан етиштиришни, яъни, фермер хўжалиқи ўрласида тузилган шартнома бажарилиши маган ҳолда хўжалиққа нисбатан қандай чоралар кўрилади?

Тошпўлат Тавбаев, Ўртачирчиқ тумани.

ЖАВОБ: Пахта хомашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича контрактация шартномаси шартларига кўра фермер хўжалиқи қатор мажбуриятларни зиммасига олиши кўзда тутилган. Улардан энг асосийси, шартномада белгиланган микдорда ва асортиментда, турлар бўйича муддатларда маҳсулот етиштириб топширишдан иборат. Мабодо, хўжалиқ уни бажармаса, тайёрлов ташкилотига топширилмаган маҳсулот қийматининг 30 фоизи микдорда жарима тўлаёди. Бундан ташқари, маҳсулот тўлиқ етказилмаганлик натижасида юзага келган ва жаримадан ташқари зарарларни ҳам қўллаб беради. Шунингдек, "Фермер хўжалиқи тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддаси биринчи қисмига асосан фермер хўжалиқи ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк билан жавоб беради.

Фермер хўжалигининг мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг бошлиғи ўзига қарали мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиялар жавобгар ҳам бўлади.

Чорихон Қодиров, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши юристи

Мулоқот тафсилотларини "XXI asr" газетаси мухбирлари қозоғга туширишди

Таклиф ва тавсиялар

Тадбир мобайнида муайян ташкилотлар билан бевосита боғланишни талаб этувчи саволлар ҳам келиб тушди. Улар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қўриб чиқилмоқда. Яқин кунларда уларга ҳам батафсил жавоб қайтарилди. Мулоқот чоғида мамлакатимиздаги жами саноят маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиқи маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилаётган, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи меҳнат қилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик соҳаларида учраётган айрим муаммо ҳамда тўсиқларни бартараф этиш борасида партия тузилмалари билан тегишли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, бу борадаги саяё-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш зарурлиги бўйича ҳам ўзаро фикр алмашилиб, таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Улар қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Тадбир якунида мутаассадди ташкилотлар вакилларига миннатдорлик билдирилди. Сўнгра энг улуғ, энг азиз байрам – истиқлолнинг 25 йиллигини юксак савияда нишонланишига ҳисса қўшиш барча маслақдошларимиз, электоратимиз вакиллари, умуман, жамики юртдошларимиз учун катта шараф экани таъкидланди.

О'zLiDeP Олмазор туман Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.

Бепул тиббий кўрик

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Нурматова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдурахимова, О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М. Ақромова ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар, она ва бола саломатлиги йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар хусусида сўз юритишди.

Шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган 50 га яқин хотин-қиз ва болаларга юқори сифатли диагностика воситаларида кўриқдан ўтишни кафолатловчи сертификатлар топширилди.

– Неварам Шохжаҳон Салоҳиддинов "G'uncha Med" хусусий диагностика марказида кардиолог, ревматолог кўриқдан ўтиш имконига эга бўлди, – дейди бухоролик Махсума Раҳимова. – Бундан жудаям хурсандман. Мана шундай хайрия тадбирларини ташкил этаётган партия мутасаддиларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Тадбирда ташкил этилган концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Дилноза НОМОЗОВА, "XXI asr" мухбири

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан Термиз шаҳридаги 12-сонли Меҳрибонлик уйида "Гўзал ва бетақороримсан муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним" шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Термизда амалий тадбир

Унда мустақиллик йилларида ёшлар масаласи мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сийёсий партияларнинг ҳам диққат марказида бўлганлиги ва фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топишида сийёсий партиялар ҳам бевосита масъул эканлиги маърузачилар томонидан таъкидлаб ўтилди.

– Ҳар қандай давлатнинг келажаги ва тараққиёти у ерда камолга етаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси, жисмоний ва маънавий етуқлигига боғлиқдир, – дейди Халқ депутатлари О'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раиси Д. Сувонова. – Бу йўлда уларни турли зарарли гоёлар таъсиридан ҳимоя қилиш, мафқуравий иммунитетини ошириш долзарб вазифамиздир.

Тадбир давомида ташкилотчилар томонидан Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида шахмат-шашка ва теннис йўналишларида спорт мусобақалари ўтказилиб, голибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши Матбуот хизмати

Ёшлар ҳуқуқи ва ҳимояси

О'zLiDeP Сардоба туман Кенгаши томонидан "Парламентда менинг ўрним" лойиҳаси доирасида "Жамиятда қонун устуворлиги – тадбиркорлик ва фермерлик ривожининг гаровидир" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирдан қўзланган мақсад, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилишдир.

– Партияимиз ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини, тадбиркорлик кўникмаларини оширишга, уларни мамлакатимиз келажаги йўлидаги интилиши, изланишларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, – дейди О'zLiDeP туман Кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Зафар Мусурмонқулов. – Хусусан, ёшларимиз лойиҳа ва танловларда иштирок этиб, тадбиркорлик соҳасидаги билимларини янада бойитиш билан бирга ўз бизнесларини йўлга қўймоқда.

Тадбирда, тинчликнинг қадрига етиш, ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайиши учун амалга оширилаётган ислохотлар хусусида сўз юритилди.

Хусан ЖАББОРОВ, О'zLiDeP Сурдарё вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудир

КЕНГАШГА МАКТУБ КЕЛДИ...

Савоб ишдан четда қолмаймиз

Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 17/5, 18-хонадонда истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ ногирони Ҳалима Жумаевадан О'zLiDeP вилоят ва Бухоро шаҳар Кенгашлари номига миннатдорлик сўзлари битилган хат келди.

– Кейинги пайтда менга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик, эътибор ва беғараз ёрдамдан ниҳоятда мамнунман, – деб ёзда мактуб муаллифи. – О'zLiDeP вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти", "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан вақти-вақти билан ўтказиб келинаётган бепул тиббий кўриқлар, хусусан, тиббий ижтимоий патронаж шифокорлари – Мунаввар Ибрагимова, Илҳом Рустамов ва қўли энгил бошқа шифокорларнинг муолажалари, энг муҳими, самимий му-

носабатидан бошим кўкка етаяпти. Яна бир эътиборли жиҳати, маҳаллий кенгаш депутатларига ҳам чин дилдан раҳмат айтмоқчиман. Улар байрам ва кўтлуг саналар муносабати билан биз истиқомат қилаётган 35-Бунёдкор МФЙ ҳудудидаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд кишилар ҳолидан тез-тез хабар олишади, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашади. Дарҳақиқат, шаҳардаги Пиридастгир кўчаси, 12-уй, 6-хонадонда яшовчи 1-гуруҳ ногирони Сухроб Яхшиев, 10-МФЙ урамидаги турар-жойларнинг бирида умргу-

заронлик қилиб келаётган Салим Асадов, шаҳарнинг Уста Ширин кўчасида яшовчи Алексей Кутьянин сингари эҳтиёжманд инсонлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, улардан ҳам ана шундай илиқ сўзларни эшитасиз.

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган инсонпарварлик, одамохунлик, бировларнинг оғирини энгил, узоғини яқин қилишдек олижаноб фазилатлар кейинги пайтда вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказиб келинаётган партиявий тадбирлар, О'zLiDeP фаоллари ва депутатлар иштирокидаги юзма-юз мулоқотлар давомида ҳам тилга олинмоқда. Қувонарлиси, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари аъзолари ҳам бундай савобли ишлардан четда қолишмаётгани йўқ. Бу борада шаҳардаги "Саломатлик маскани" шифохонаси қошида, 33-МФЙ ҳудудида ҳамда Бухоро шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, шунингдек, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали шаҳар телекоммуникация боғламаси ҳузурда фаолият олиб бораётган БПТ фаолларидан Ди-



лором Сатторова, Султон Ҳамроев, Азизбек Рўзиев, Моҳира Файзуллаева, Ахтам Исаев, Феруза Мирзаева, Акмал Захировларни ҳам эътироф этсак арзийди. Жойлардаги партия таянч бугинлари етакчилари ва аъзоларининг О'zLiDeP Бухоро шаҳар Кенгаши раиси Жонибек Матниёзов, кенгаш бош консултант Зарифа Сафарова, маҳаллий кенгаш депутатларидан Шерзод Маҳмудов, Ҳалима Рўзиева, Собир Ҳайдаров, Халил Турдиевларнинг ҳам ушбу йўналишда олиб бораётган кенг қўламли фаолияти эътиборга сазовор.

Бугунги кунда партия Бухоро шаҳар Кенгаши таркибида 67 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз аъзоларига 1 860 нафар

маслақдошларни бирлаштирган. Аксарият партия аъзоларининг фаолияти О'zLiDeP дастурий ғоя ва мақсадларини, унинг Сайловолди платформасида илгари сурилган устувор вазифалар мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари орасида тарғиб этиш билан бирга жойларда савоб ва хайрли ишларни амалга оширишдан, шу тариқа ҳамюртларимизнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамлашдан, аъзолар сифдини ушбу сийёсий тузилма гоёларига садоқатли кишилар, айниқса ёш авлод вакиллари ҳисобидан тўлдирибдан иборатдир.

"XXI asr" мухбири Асхор ИСТАМОВ тайёрлади.

"Партия аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, нафақахўрлар, айниқса ногиронларни аниқ йўналтирилган ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-қувватлашининг амалий тизимини шакллантиришни сийёсий фаолиятнинг бош вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Партия ногиронлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли фуқаролари, деб ҳисоблайдиган зарур шарт-шароитлар яратишга интилади".

О'zLiDeP Уставидан



Бошлангич партия ташкилотларида

Мурожаат ортида инсон тақдири бор



Маълумки, жорий йил аввалида партиямизнинг 2016 ва кейинги йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Эътиборлиси, мазкур ҳужжатдаги энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида хусусий секторни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ишбилармонларга янада кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини кенгайтириш белгиланган.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик ва молвий фойдалигига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кўчатириш борасидаги қонунчиликни янада ривожлантириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек, жойларда тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳуқуқий онг ва маданияти, бизнес юритиш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, ёшлар аёлларимизни тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш доимо партия диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Бу жараёнда электоратимиз вакиллари билан юзма-юз ишловчи, уларни ўйлантираётган масалалардан яхши хабардор тузилмалар – бошлангич ташкилотларнинг роли катта. Зеро, турли тадбирларда билдирилаётган таклиф, тавсия ва фикр-мулоҳазаларнинг босқичма-босқич тарзда парламентдаги фракциямиз аъзоларига узлуксиз етиб бориши кўйи бугунларнинг ташаббускорлиги, зиммасидаги вазифаларга нечоғли масъулият билан ёндашишига ҳам бевосита боғлиқ.

Бинобарин, партия аҳоли ўртасида ҳуқуқий, ғоявий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларнинг тизимли равишда, юқори савияда ўтказилишига алоҳида аҳамият бермоқда. Хусусан, яқинда О'зЛиДеП Бекобод шаҳар Кенгаши таркибидаги таянч тузилмалардан бири – "Зулфия – бону – чевар" МЧЖда фаолият юритаётган кўйи бугунда "Ўрта синф вакиллари кўлаб-қувватлаш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлидаги ғоя ва тўсиқларни бартараф этиш ва мулкдорлар эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда мазкур хусусий корхона раҳбари, БПТ етакчиси У. Мирзамуртова ҳам сўз олиб, бир неча йил аввал уч нафар ишчи билан

хусусий бизнесини бошлаганини айтди. Юртбошимиз раҳнамолигида ишбилармонлик учун қулай имкониятлар яратилаётгани тўғрисида банкдан 3 мартаба имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлгани, Бекобод шаҳридаги нотура бинони ноль қийматда ўз тасарруфига ўтказишга эришгани, бугунги кунда 30 иш ўрни яратиб, коллеж битирувчи қизларини, аёлларни иш билан таъминлагани тўғрисида сўзлаб берди. Ўз фаолиятини янада кенгайтириш бўйича иш олиб бораётганини маълум қилиб, бу борада ҳам унга О'зЛиДеП шаҳар бўлими ҳар жиҳатдан қўмақдош бўлаётганини билдирди.

Маҳаллий кенгаш депутатлари, партия шаҳар ташкилоти масъуллари, БПТ етакчилари ўз чиқишларида айрим камчиликларни ҳам рўйи-рост айтдилар. Масалан, баъзи кўйи бугун аъзоларида ташаббускорлик, журъат етишмаяпти. Улар ҳанузгача партия юқори органларининг топшириқларини бажариш билангина чекланиб қолишмоқда. Айни пайтда бир қанча таянч тузилмаларнинг ўз ички масалалари доирасидан четга чиқолмаётгани ҳам бор гап. Чунки, шаҳарда рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тадбиркорлардан бир нечтаси яқинда фаолиятини тўхтатди. Бироқ маслақдошларимизнинг, хусусан, кўйи бугунлар фаолларининг мазкур ҳолатга муносабати деярли сезилмади. Ваҳоланки, улар ҳар бир шундай воқеани муфассал ўрганиб, таҳлил этишлари, шу каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан ўз таклифларини илгари суришлари лозим. Бинобарин, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиб, БПТлар салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш хусусида жиддий ўйлаб кўриш фурсати аллақачон етган. Кўйи тузилмалар аъзолари омма орасига янада фаол кириб боришлари лозим. Партиянинг фаолият самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири ҳам аслида ана шу.

– Аҳоли, айниқса, электоратимиз вакиллариининг мурожаатларини ўрганиш, уларга ўз вақтида жавоб бериш партиянинг барча

бўғини, жумладан, бошлангич ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалардан, – дея таъкидлади ўз сўзида О'зЛиДеП шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А. Ниязов. – Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсонлар тақдири бор.

Мулоқот мобайнида хусусий сектор вакиллари кўлаб-қувватлаш, ёшларни тадбиркорликка жалб этишга қаратилган бир қанча таклиф ва тавсиялар айтилди. Масалан, партия шаҳар ташкилоти қошида йигит-қизларга ишбилармонлик бўйича сабоқ берувчи бепул ўқув курслари очилди таклифи илгари сурилди. Барча фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Тадбирда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Бекобод шаҳрида О'зЛиДеП Тошкент вилояти Кенгаши томонидан туман (шаҳар) партия бўлими ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеП фракцияси аъзолари, маҳаллий ҳокимлик, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бўлими, "Камолот" ЕИХ шаҳар кенгаши, "Бекободцемент" АЖ, "Ўзметкомбинат" АЖ ҳамкорлигида "Мустақиллик – олий нўмат" деб номланган байрам тадбири бекам уюштирилгани, унинг жамоатчиликка манзур бўлгани хусусида сўз юритилиб, ана шундай кўтаринки руҳдаги учрашувларни шаҳардаги корхона, муассаса ва маҳалларда ташкил этиш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Давра суҳбати ниҳоясида партия сафига қабул қилинган янги аъзоларга гувоҳномалар топширилди. Сўнгра иштирокчилар корхонада ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишишди.

Дилором ТУСУНОВА,
О'зЛиДеП Бекобод шаҳар
Кенгаши масъул ходими
Беҳзод ИСРОИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

О'зЛиДеП Наманган вилоят Кенгаши бошлангич ташкилотлар билан ҳамкорликда шу кунларда мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан жойларда тарғибот тадбирлари ўтказмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Мингбулоқ туман сил касалликлари диспансери ва туман молия бўлимида ташкил этилди.

Мингбулоқ учрашувлари

О'зЛиДеП вилоят Кенгашининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Абдулахад Алимов Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритаркан, халқимиз истиқлол йиллари мобайнида кўлаб ютуқларни қўлга киритгани, мамлакатимиз жаҳон савҳида ўз номи ва ўрнига эга бўлиб, аграр мамлакатдан иқтисоди тез суъратларда ривожланиб бораётган давлатга айланганини мисоллар ёрдамида баён этди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг яқли ички маҳсулотдаги улуши республикамизда 58, виллоятда эса 75 фоизни ташкил этганига алоҳида эътибор қаратди. Худудда фаолият кўрсатаётган "Люкс плюс сервис", "Истиқлол", "Ифтихор кийим саннат", "Замин люкс текстиль", "Текстиль либос", "Рауф Азиз", "Наманган кийим саннати" каби ўнлаб корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот-

лар нафақат ички бозорни тўлдиргани, хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинаётганини мамнуният билан қайд этди. Шунингдек, у "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўлининг очилиши ҳамда Тўрақўрган иссиқлик электр станцияси қурилиши ҳақида батафсил маълумот берди. Бу улкан ишчиликнинг ишга туширилиши водий аҳолисига қулайликлар яратиши, шунингдек, партия электорати вакиллари бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар учун ўз маҳсулотларини истеъмолчиларга тез ва арзон нархларда етказиб беришда бекиёс имкониятлар эшигини очишини таъкидлади.



– Мен мустақиллик тенгдошиман, – деди ўз сўзида "Камолот" ЕИХ туман кенгаши раиси, Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Сардорбек Ғиёсов. – Бугун биз ёшларга билим олиш ва ҳунар эгаллаш, истеъдодимизни намоён этиш учун барча шароитлар яратилган. 24 ёшда депутат бў-

лган ўтказилган давра суҳбати ҳам қизикarli кечди. – Ушбу тадбирдан катта таассурот олдик, – деди молия бўлими мудири Улугбек Холиқов. – Юртбошимизнинг ўлган йили ноябрь ойида бўлиб ўтган Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нўтқида вилоятда охириги йилларда иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши натижасида субвенция, яъни марказ бюджетидан ёрдам улуши камайган бўлса-да, унинг ҳажми халигача юқори даражада сақланиб келаётганига, бугунги кунда маҳаллий ҳаражатларнинг 41 фоизи мамлакат бюджети ҳисобидан қопланиб келаётгани, виллоятдаги 11 та туманда бу кўрсаткич 60 фоиздан юқори эканлигига эътибор қаратган эди. "Хўлбуқи, Наманганда ишга солинмаган шундай беҳисоб имкониятлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзингиз айтган, бундай ҳолат сизларга ярашадими", дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

Бундан хулоса чиқарган ҳолда, биз – молиячилар, туман ҳокимлиги билан биргаликда маҳаллий бюджет

даромадларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларини кўлаб-қувватлаш бўйича қатор ишларни амалга оширишмоқдамиз ва бу ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, Мингбулоқ тумани республикамизда биринчилардан бўлиб давлатга галла ва пилла сотиш шартнома режасини ортиги билан адо этди. Туманимизда мустақиллик йилларида ташкил топиб, ривожланиб бораётган тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари талайгина. Ёгончи қайта ишлаш ва кир ювчи воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, Маъруфжон Араббев раҳбарлик қилаётган "Нўмонжон Файз" хусусий корхонаси "Агробанк" туман бўлимидан 300 млн. сўм миқдорда кредит олди ва шунинг ҳисобига 11 та янги иш ўрни яратди. "Одина Зубайда" хусусий корхонаси эса 70 та фермер ҳўжалигида етиштирилган сабзавот маҳсулотларини харид қилиш бўйича 1 млрд. 38 миллион сўм қийматдаги шартномани имзолаб, унинг ижросини таъминламоқда.

Бундан ташқари, туманда жорий йилда республика миқёсидаги 3 та туман миқёсидаги 18 та лойиҳани амалга ошириш ва шу йўл билан 2005 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Шундан 6 та лойиҳа бажарилди, қолганлари борасида ҳам ишланшлар олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, О'зЛиДеП Наманган вилоят Кенгаши БПТлар саъй-ҳаракати билан Мингбулоқда ўтказилган байрамолди тадбирларида таъкидланганидек, туманда мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини муносиб кўйиб олиш учун барча соҳаларда улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари қизгин давом этмоқда.

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
"XXI asr" мухбири



Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркор ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар очиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг ушбу ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоялаш баробарида унинг эртанги кунини таъминлаш, шунингдек, либерал-демократик ғоя ва мақсадларни ўз фаолияти орқали кенг омма онига синдириш, бу борада сафини кенгайтиришга ҳар томонлама чуқур ўйланган партия сиёсатини тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш О'зЛиДеПнинг асосий мақсадлари сирасига киради.

Аъзам ҚОДИРОВ
Анджон вилояти.

О'зЛиДеП
Дастуридан



– Бошқа партия аъзоси бўлган фуқаролар О'зЛиДеП тузилмалари томонидан ўтказилаётган турли тадбирларда иштирок этиши ва бирор масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этишлари мумкинми?

– Партия Устави, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси фармойиш ва йўриқномалари, тегишли меъёрий ҳужжатларда ўша партия аъзолари ва тарафдорларининг О'зЛиДеП томонидан ўтказилувчи тадбирларда иштирокчини чеклайдиган кўрсатма ёки қойдалар мавжуд эмас.

(Савола О'зЛиДеП Бюро вилоят Кенгаши масъул ходими М. Рашидова жавоб берди.)

Корхонадаги БПТ – эҳтиёж маҳсули

Кўп йиллар мобайнида Асака туманидаги "Асака-ёғ" акциядорлик жамиятида ҳисобчилик қилиб, етарли таъриба орттирган Дилфуза Ҳакимовани уч ой муқаддам бошлангич партия ташкилоти раислигига тавсия этишди. Бу бежиз эмас. У ўз касбини яхши билади, корхонада ўтказилаётган барча жамоат ишларида фаол иштирок этади. Ҳўжақўрсинга ишлашга асло одатланмаган. Бирор юмушга қўл урса, албатта, охирига етказди. Партия туман ва вилоят кенгашлари томонидан уюштирилаётган тадбирларда ҳам иштирок этиб, ўз фикрларини билдириб келган. Бинобарин, таъсис йиғилиши қатнашчилари ушбу таклифни бир овоздан қўлаб-қувватлашди.

– Корхонамизда 650 дан зиёд ишчи-ҳодим икки сменада пахта ёғи қадоқлайди, – дейди жамият раиси, О'зЛиДеП аъзоси Ойбек Алиев. – Ҳўжалик совуни ҳам ишлаб чиқарамиз. Аҳолига кунжара ва шулха етказиб берамиз. 2015 йилни 897 млн. сўмдан зиёд фойда билан яқунлагандик. 2016 йилнинг биринчи чорагида 1 млрд. 186 млн. сўм даромад олдик. Корхонамиз энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар, асбоб-ускуналар билан таъмин-

ланган. Ишчи ва мутахассисларимиз яхши меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Оддий ишчидан тортиб, масъул ходимларгача тушлик пули ажратилади. Жамоа аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш учун юртимиздаги барча санаторий, профилакторийлар билан шартнома тузганмиз. Шу билан бирга айтиш зарурки, корхонадаги партия аъзолари бошини қоувштирадиган, уларнинг ташаббусларини мувофиқлаштирадиган тузилмага

эҳтиёж сезилаётгани. БПТ ташкил қилиниши эса айни муддао бўлди. Ҳозир бошлангич ташкилотда 16 нафар аъзо бор. Жумладан, режа ва иқтисод бўлими бошлиги Бахтиёр Абдуганиев, касаба уюшмаси раиси Нўмонжон Воҳидов, хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Машхура Султонова, қишлоқ ҳўжалик бўлими бошлиги ўринбосари Тўлибжон Файзиев гоят фаол. Қўйи бугун раиси этиб сайланган Дилфуза Ҳакимова эса тиниб-тинчимас, жонкуяр.

БПТ бурчагида республикамизда чоп этилаётган газеталарнинг тахлamlари тартиб билан териб қўйилган. Тегишли қонунлар тўплами, тарғибот материалларини кўздан кечирар экансиз, ҳаммаслақлар сергайрат, серҳафсала одамлар эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Баённомалар тўпламида ўтказилган ҳар бир йиғилишнинг кун тартиби, санаси, иштирокчилар сони, сўзга чиққан фаоллар, кўрилган масалалар аниқ-равшан баён этилган.

– Бошлангич ташкилотимиз ташаббуси инобатга олиниб, корхона томо-

нидан "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини учун беш хоналик идора қуриб берилди, – дейди етакчи. – У ерда ҳозир МФЙ раиси, посбон, маслахатчилар, котиба, профилактика инспектори фаолият кўрсатаёпти. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ҳам кўлаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда "Соғлом бола – соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир" шiori остида очик мулоқот ўтказдик. Уни О'зЛиДеП вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Хуршида Халилова олиб берди. Тадбир давомида иштирокчилар бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, аёлларга дори-дармонлар тарқатилди. Шу кунларда эса мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз. Қисқаси, бошлангич ташкилотимиз партиямиз нуфузини янада ошириш йўлида тинимсиз изланаёпти.

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ



“Сиз менга ёшларингизни кўрсатинг, келажакнингизни айтиб берман”, деган экан донишмандлардан бири. Ҳа, ушбу ҳикматли гапда ўзига хос маъно-мазмун мужассам. Мустақиллик йилларида маънан ва жисмонан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Чунки, Ўзбекистоннинг бунёдкор кучи, таянчи истиқлол йилларида вояга етган, замонавий илм-фан ютуқларини мукамал ўзлаштирган, икки-учта хорижий тилда бемалол мулоқот қила оладиган, бир неча касб-хунарни эгаллаган, маънавияти юксак баркамол авлоддир.

Бебаҳо кунлар қадри

Инсон борки, албатта, ўтган кунларига бир назар солади. Айнан шу сарҳисоб натижаларига қараб, янги режалар тузади. Таълим соҳасида меҳнат қилаётган педагоглар учун ҳозирги дамлар айнан шундай сарҳисоб палласи. Боси Мустақиллик куни шодиёналари янги ўқув йили шодликлари билан уланиб кетади. Соҳада амалга оширилган ислохотлар самараси – фарзандларимизнинг билими, салоҳияти, иқтидорини тўла-тўқис юзга чиқаришида яққол намён бўлмоқда. Буни хорижлик мутахассислар нафақат эътироф этишмоқда, балки ўзгаришларга ҳавас кўзи билан қарашаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Баъзан маҳалла-кўй, тўй-томшаларда кексаларимизнинг мана шундай сўзларини эшитиб қоламиз: “Қанийди ёшлигимиз яна қайтиб келса. Ана энди мана қилиб яшайдиган, ўқийдиган замон келди-да. Мактаб, лицей, коллежларни кўрмайсизми! Бизнинг давримизда бундай шароитлар қайда эди. Ишқилиб, муссаффо осмонимизга, болаларимиз бахтига кўз тегмасин. Йигит-қизларимиз кўлга киритилган ютуқларни кўрганда, кўзлар қувонади”.

Фидойи инсонлар ҳеч маҳал ўзлари кўлга киритган, эришган ютуқларидан қониқмайдилар, Ватанини, касбини ардоқлайдиган ишларни бажаришдан сира толмайдилар. Шу маънода арна-сойлик ҳамкасбларим фаолияти мисолида ишонч билан айта оламизки, қилган меҳнат, кўлга киритган натижаларимиз бизни асло хотиржамликка эмас, балки янги марралар сари олға интилишга ундамоқда.

Бир пайтлар “қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди”ган Арнасойда қад кўтарган мактаб ва коллежлар, спорт ва санъат саройлари бугун маҳаллаларимиз, аҳоли масканларимизнинг кўр-

кигина эмас, балки ёшларимизга таълим-тарбия, ҳаётга йўлланма берадиган масканларга айланди. Буларнинг барчаси истиқлол берган бебаҳо неъматлар-да.

Тумандаги барча таълим муассасалари истиқлол йилларида тўлиқ қайта таъмирланиб, замон талаблари даражасида жиҳозланди. Шогирдларимизнинг фан олимпиадалари, санъат соҳасидаги танлов, спорт мусобақаларида кўлга киритилган ютуқлари салмоқли.

Туманимизда турли хил миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшади. Яқинда бўлиб ўтган “Ўзбекистон – умумий уйимиз” фестивалида ўқитувчи ва ўқувчиларимиз ҳам фаол иштирок этди. Саҳнага турли фан олимпиадалари ва спорт йўналишлари бўйича юқори натижаларни кўлга киритган йигит-қизлар кўксига шода-шода медаллар, кўлларида диплом ва сертификатлар билан чиқиб келишди. Ёшларимиз кўшиқ куйлаб, шёър ўқиди, рақс ижро этишди. Истиқлол менга нима берди, деб эмас, балки биз шу озод ва жаннатмонанд Ватанга нима бердик, дея куйлаётган ёшларни кўриб, қалбим ҳаяжондан жунбушга келди. Фарзандларимизни ҳар томонлама комил инсон этиб вояга етказиш, тинчликнинг қадрига етишга ундаш, уларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш энг эзгу мақсадларимиздан биридир. Фақат билимли ёшлар сафининг ошиши, ватанпарвар ўғлонларнинг камол топиши бевосита биз устозларнинг ўз масъулиятимизни нечоғлик ҳис қилишимизга боғлиқлигини унутмасак, бас.

Мирмуҳсин НИЗОМОВ,
Арнос тўман
ХТМФМТТЗ бўлими мудири,
O'zLiDeP фаоли.

Худди эртаққа ўхшайди

✓ 94 ёшли Мажид ота Хидиров билан суҳбатлашяпмизу, у киши гап орасида бот-бот: “Бунақа замон ҳеч қачон бўлмаган, болам, худди эртақдагидек”, деган сўзларни такрорлаб қўяди. Асл касби ҳисобчи эмасми, гап орасида рақамларга ҳам мурожаат қилиб, ота ва бобосидан эшитганлари орқали халқимизнинг қарийб 300 йиллик турмуши ҳақида тасаввурга эга эканлигини ҳам сўзларкан, яна одатдагидек, бугунги дорилон кунлар ҳақида “Туш кўраётганга ўхшайман”, дейишяпти унутмайди.

Тўғри-да, Мажид отанинг падари бузруквори ҳам, боболари ҳам не-не даҳшатли даврларга гувоҳ бўлган. Қаҳатчилик, очарчилик, хўрлик, уруш, вайронгарчилик дейсизми, кўйинги, эл-улус бошига тушган барча гам-ғуссаларнинг ҳеч бири уларни ҳам четлаб ўтмаган.

Мажид отанинг ўзи-чи, болалигини эсласа, ҳануз кўзига ёш келади, оғир меҳнат қилиб, қорни нонга, усти кийимга ёлчимагани, азоб-уқубат билан яшагани хотирлайди. Кейин номинг ўчгур Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди... Ярадор бўлиб госпиталларда азоблангани, сифтдошлари билан Дунай дарёси устига кўприк қурганлари... Уруш туғанаидан кейин ҳам орадан қарийб бир йил ўтиб – 1946 йил апрель ойида тугилиб ўсган она юрти Китога – Олақўйлик қишлоғига кириб келганида отаси ишчи батальонидан, акаси билан укаси фронтдан касалманд бўлиб қайтган эди...

Эҳ-хе, бундай аччиқ хотираларнинг қай бирини айтсин? Қошиқ, урушдан сўнг ҳаммаси ўнглини кетган бўлса. Кейин ҳам оғир ва машаққатли синовларга ҳар қандай одамнинг дош бериши қийин эди.


Йиллар ўтгани сари қийинчиликлар ортда қола бошлади. Мажид ота аввал тайёрлов курсида таҳсил қўрди, кейин сиртдан халқ ҳўжалиги институтини тугатиб, ҳисобчи-иқтисодчи бўлди. Олақўйлик ва Варганза қишлоқларидаги ҳўжаликларда бош ҳисобчилик қилди. Ўшанда ҳисобчи ҳўжаликнинг юраги саналган, даромад чўт бермаса, эл орасида: “Ҳисобчиси нима қилиб юрибди экан?”, деган гап бежиз айтилмаган. Мажид ота қаерда бўлмасин, ҳисоб-китобни жойига қўйиб, рақамни рақамга чоғиштириб, иқтисодни

кўтариб ишлади. Пулни қандай топишни ва қандай ишлатишни ҳам билди. Ҳеч эсидан чиқармайдиган ҳўжаликка раис бўлиб ишлаган кезларини. Унга иқтисодий билими асқотди: жамоасини туман миқёсида кўзга кўринган ҳўжаликка айлантирди. Кунларнинг бирида туман раҳбари келиб: “Энди ўзингизга ҳайкал қўядиган пайт келди”, деганди. Мажид ота гап нима ҳақда эканини тушунмай: “Тирик одамга ҳам ҳайкал қўядиларми?”, деди кулиб. “Албатта-да, туманда ҳозир сиздан ўтадиган бой йўқ, қанча жойларни обод қилдингиз, яна бир неча хайрли ишларни режалаштирибсиз, мана сизга ҳайкал”, деди туман раҳбари.

Ўшанда Мажид ота уйқудан уйқонгандай бўлди. Тез орада ҳўжаликда қўш қаватли боғча, маъмурий бино, мактаб қурилди. 20 гектар бог ташкил қилди. Мақрид каналдан сув келтирилиб, 30 гектар ер ўзлаштирилди ва даромад манбаига айланди. Ҳозир ҳам Мажид ота қишлоқ бўйлаб кезиб юрганида ўзи қурган бинароларга қарайди-да, кўнгли фахр ва ифтихорга тўлади.

Кейин Мажид ота Пахтаобод қишлоқ кенгашига раислик қилди, пенсияга чиққан бўлишига қарамай, уйда зерикиб қоласиз, деб Қайнарбулоқ қишлоқ фукарлар йигинига ҳисобчи қилиб қўйишди. Хуллас, отахон яна берилиб ишлади, ҳурмат-эътибор топди. Мансаб-мартаба йўлларини босиб ўтиб, давраларнинг тўрнини эгаллади.

Бироқ... Отахон атрофга қарайди-да: “Бархитиб бунақа замон бўлмаган, худди эртақдагидек”, деб қўйишни қанда қилмайди. Сўзини исботлаш учун мисол-



ларни қалаштириб ташлайди: “Дехқон бозорини кўринг, жаннатнинг ўзи. Тўрт фаслнинг фарқи йўқ, мевадан мева, сабзавотдан сабзавот тиқилиб ётибди. Арзонлиги-чи, уларнинг. Ҳар қадамда ошхона, барчаси гавжум. Одамларнинг ҳам юзларида табассум. Биз ҳам ишлаганмиз, тинмаганмиз. Аммо бунақани тўқинчилик, мўл-кўлчилик, арзончиликни тушимизда ҳам кўрмаганмиз. Айниқса, кейинги 20-25 йил ичида юртимиз шу қадар тараққий этдики, одамнинг ҳуши бошдан учадиган ҳайрон қолади, кўзларига ишонмайди.

Илгарилари машина олиш учун навбатга ёзилинарди, уям омади чоғанга тегиб қоларди. Энди эса кўчанинг нариги тарафига ўтиш мушкул. Ҳар икки-уч хонадоннинг бирида энгил машина. Яна денг, ўзимизники!

Президентимиз “Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?”, деб бежиз айтмадилар. Бу сўзларнинг маъносини менга ўхшаган қариялардан ортиқ ҳис этадиган бўлмас керак. Бир бурда нонга зор бўлиб очдан ўлганларни кўрганман. Ямоғи кўпلىгидан чопони асли қанақа матодан тикилганини билиб бўлмайдиганларни кўрганман. Яшашнинг оғирлигиндан тезроқ ўлсам эди, деб орзу қилганларни кўрганман. Аммо ҳозир инсоннинг рашагиси келади! Ахир биргина биз фахрийларга шунча ҳурмат, шунча иззат! Эътибор, меҳрибонлик, гамхўрлик! Қай бирини айтмай? Санаторийларга бепул йўланганими? Дори-дармонларнинг текинлигиними? Йил бўйи кексалар эъзозланганими? Минг раҳмат, минг ташаккур! Ҳаммаси худди эртақдагига ўхшайди...

ШУКРОНА

Элининг пешонаси ярқиради, офтоб теги. Бу Мустақиллик офтоби! Бунақанги тинч-хотиржам, тўқин-сочин замон орзуга ҳам сизмаган. Сал ҳаракат қилиб, меҳнат қилган, ишнинг кўзини билган одам мурод-мақсадига етаяпти.

Мана ўзиникилардан қиёс, ўтган йили фермер ўғлим Аҳроржон имтиёзли кредит олиб, Германиянинг 8 та насли қорамолини олиб келганди, ҳозир уларнинг сони 16 та бўлди. Сути мўл, қаймоғли. Уни кўриб, Жамшид ўғлим билан Олим набирам ҳам 3-4 тадан қорамол олиб келишди. Аҳроржоннинг ўзиям қорамолини кўпайтирмакчи...”

Дарвоқе, Мажид отанинг фарзандлари бир этак. Барчаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Беш нафари пенсияга чиқди, яна иккитаси пенсияга чиқаман, деб тараддуд қўриб юрганмиш. Набиралари орасида набиралик бўлганлари анчагина. “Улар менинг чеварларим”, дейди отахон фахрланиб ва болаларидан беш нафари, набиралардан 3 нафари фермер эканини алоҳида таъкидлайди. Ҳар бирида 30-40 гектардан ер бор. 8 нафар фермерни Мажид отадайдиган қишлоқ ҳўжалигидан чиққан одам ўз ҳолига ташлаб кўярмиди, кенжа ўғли Жамшиднинг хонадони “штаб”, отахон кун ора фермерларини ер ҳайдадигини, экин экдигини, сугордигини, деб терлагани тергаган. Ўзи эса ўн сотихли ҳовлини сира бўш қўймайди. Ўғиллари фермер ҳўжалигида картошка эккан куни картошка эқади, помидор экса, помидор эқади, сўнг шогирд фермерларни мусобақага чақиради: қани, кининг ҳосили зўр бўлади?

Мажид отамиз бир лаҳза тиниб ўтиролмайдиган. “94 ёшга кирдим ҳалиям ишляпман”, дейди у. Фикрлари теран, сўзлари салмоқли отахон ишляпман деганида тарбиячиларнинг, тарғиботчиларнинг ҳам назарда тутадиган. Кечаги кун билан бугунги кунни шунақа муқояса қилдикки, дорилон кунларда яшаётганига шукр-номан айтади. “Ортимда 148 нафар нева, эвара, чеварам турибди. Уларни халқларвар, юртпарвар қилиб ўстирсам ёмонми?”, деб қўяди жилмайиб.

...Отахоннинг хотираларини болалар эртақдай қабул қилишди, берилиб эшитишди. Унинг ўзи ҳам қўрган-кечирганларини эртақдай сўзлайди. Пешонаси ярқираган юрт ва муродига етган эл ҳақидаги эртақдай.

Лола ЎРОҚОВА,
журналист

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт салмоғи ортаёпти

✓ Қашқадарё вилояти иқтисодийётида, хусусан, вилоят ялпи ички маҳсулот салмоғида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши юқори бўлмоқда. Агар ўтган 2015 йилда бу кўрсаткич қарийб 56 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йил якуни билан ишбилармонларнинг улушини салкам 60 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. Айниқса, вилоятда ишлаб чиқарилаётган ва етиштирилаётган маҳсулотлар экспорт ҳажми ортаётгани, импорт ўрнини босадиган товарлар тури йилдан-йилга кўпайиб бораётгани иқтисодийёт тармоқлари ривожини таъминлаётти.

Вилоятда маҳсулот экспорти ҳажмининг йил сайин кўтарилиши, уларни ташқи бозорга етказиб беришда Ташқи иқтисодий фаолият “Миллий банк” ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармасининг Қашқадарё вилояти филиалининг хизмати катта бўлаёпти. Жамғарма филиали кўмағида жорий йилнинг ўтган ярим йилида ташқи буюртмачилар билан вилоят тадбиркорлари ишлаб чиқарган ва етиштирган маҳсулотлар учун 19 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги маҳсулот экспорти учун шартнома имзоланди. Қашқадарёлик ишбилармонлар маҳсулотлари хорижлик харидорларга манзур бўлгани сабаб, қисқа муддатда мақсуд шартнома ҳисобидан 20 га яқин тадбиркорлик субъектининг салкам 2,5 миллион АҚШ долларлик саноят ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт қилиниб, хизматлар кўрсатилди.

– Жамғармининг кўмағи билан корхонамиз 20 минг АҚШ долларлик қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини экспорт қилди, – дейди “Самтено Сервер” масъулияти чекланган жамият раҳбари Суннатилло Мўқимов. – Энг асосийси, жамғармининг бевосита ёрдами билан маҳсулот экспорти масаласида тадбиркорнинг юки анча энгил бўлди. Чунки улар биз учун ҳамкор топса, маҳсулотимиз учун қафил

бўлса, маблағимизни ҳисоб рақамимизга тушириб берса, ахир бундан зўр имконият борми ишбилармон учун?!

– Филиалимизга ўз маҳсулотларини экспортга йўналтиришга кўмак сўраб мурожаат қилаётганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 тага кўпайди, – дейди филиал директори Абдулла Рафқоров. – Сабаби товар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқариши бўйича ҳўқуқий, молиявий ва ташқилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганимиз тадбиркорларга қўл келаяпти. Масалан, вилоятимиз ишбилармонларининг ташқи бозорларни урганлиши, хорижий ҳамкорлар топши, халқаро кўргазмаларда иштирок этиши, халқаро сертификатлар олиши, божиона расмийлаштируви, экспорт шартномаларни тузиши ва уларни ягона электрон маълумотлар базасига киритиш борисида салкам 100 нафар тадбиркорга кўмак берди. Янги ташкил этилган “Агро Голд Премиум” МЧЖ ва “Шахрисабз мева-сабзавот Агрофирмаси” МЧЖлар жамғарма кўмағида экспортга маҳсулот чиқаришди. Ҳар йили жаҳоннинг ривожланган давлатларида, хусусан Германия, Франция, Италия, Австрия, Японияда бўлиб ўтаётган саноят, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўргазмаларида тадбиркорларимизнинг иштирок этишлари ҳам жамғарма яқиндан ёрдам бериб келаяпти. Биргина шу

йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги 2 та кичик бизнес субъекти жамғарма кўмағи ва бевосита қўллаб-қувватлаш эвазига халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этди. Кўргазма доирасида қарийб 800 минг АҚШ доллари миқдорига тенг экспорт шартномалари имзоланиб, бугунгача 500 минг доллардан ортиқ маҳсулот экспорт қилинди.

Қозғистоннинг Остона шаҳрида март ойида бўлиб ўтган “Astana Build – 2016” қурилиш материаллари халқаро кўргазмасида вилоятимиздан ҳам тадбиркорлар иштирок этишиб, 500 минг АҚШ долларлик экспорт шартномаси имзоланди. Бугунги кунда шартномага кўра маҳсулот экспорти бошлаб юборилди. Жорий йилнинг февраль ойида Фарғона вилоятида Латвия, Қозғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг йирик савдо мажмуалари (Ашан, Магнит, Метро Кеш энд Керри, Х5, Пятёрочка) иштирокида ташкил этилган икки кунлик давра суҳбатидан ҳам вилоятимиз тадбиркорлари унумли фойдаланган ҳолда 1 миллион АҚШ доллардан ортиқ экспорт шартномалари имзоланди. Вилоятимизнинг ҳар бир тумани иқтисодлашувидан келиб чиққан ҳолда Жамғарма таъсисчилигида 7 та агрофирма ташкил этилиб, бугунгача улар томонидан хорижий давлатларнинг бир қатор компаниялари билан 12 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномалари тузилди ва ҳозирги кунда маҳсулот экспорти бошланди. Филиалимиз томонидан вилоятимизнинг экспорт билан шугулланадиган корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга фойсиз банк кредитлари ажратилишига кўмаклашяпмиз.

Жамғармининг Қашқадарё вилоят филиали томонидан жорий йилнинг якунига қадар хорижий мамлакатларда ўтказилиши режалаштирилган 7 та халқаро кўргазма ва ярмаркаларда хусусан, Россия Федерациясида сентябрь ойида бўлиб ўтадиган “Текстильпроом – 2016”, “World Food – 2016”, ноябрда бир йўла учта давлатда, яъни Қо-

зғистонда бўлиб ўтадиган “Plastex Central Asia”, Хитойда “INTERWINE China – 2016”, Германияда “Import Shop Berlin – 2016” кўргазмаларида вилоятнинг 20 дан ортиқ тадбиркори иштирокини таъминлаш ва 5 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда экспорт шартномаларини имзолаш режалаштирилган. Шунингдек, дунёнинг 170 дан ортиқ давлатида маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни ўрганиш орқали тадбиркорлар учун хорижий ҳамкорлар топши ва экспорт шартномалари имзолашга кўмаклашиш мақсадида аниқ режалар асосида иш олиб борилмоқда. Шу жумладан, фермер ҳўжаликлари учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида МДҲ, Европа, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида юқори талабга эга қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг навлари, уларнинг нархи ва импорт ҳажмларини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказган ҳолда жаҳоннинг ўзлаштирилмаган, янги бозорларини инвестициялар ва технологияларни таҳлил қилиш маркази билан ҳамкорликда кашф этиш устида иш олиб бориляпти. Бу каби тадқиқотлар натижасида ҳам жамғарма томонидан дунёнинг 20 дан ортиқ “янги бозори”га электротехника, энгил саноят, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва қурилиш материалларини экспорт қилиш режалаштирилди. Табиийки, бу борада маҳсулотнинг дунё стандарти мезо-ёрларига тўла мос келиши талаб этилади. Шу бос вилоятнинг бир қатор корхоналарида ISO 9001 халқаро сифатни бошқариш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Жамғармининг бу каби хайрли ишларни амалга оширишда асосий мақсад – мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини дунё бозоридан муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишдан иборатдир.

Зиёдулла МҲМИНОВ,
“ХИ ас” муҳбири

Хизматлар лицензияланган

КҲРИК-ТАНЛОВ

✓ Навоий вилоятида республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бошқармалари ва бўлимлари ходимлари ўртасида “Энг яхши қўриқлаш хизмати милиционерни”, “Энг яхши техник қўриқлаш пункти бошлиғи”, “Энг яхши қўриқлаш хизмати аёл ходимаси” номинациялари ҳамда умумжамоа биринчилиги бўйича қўриқ-танлов ўтказилди.

Фолиблар аниқланди

Мақсуд тадбир қўриқлаш хизмати вакилларининг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини баҳолаш, қўриқланаётган объектлар, фуқароларнинг моддий бойликлари, хонадонлар дахлсизлигини таъминлаш борисида мутахассис кадрларни тайёрлаш баробарида ходимларнинг ташаббускорлик қобилияти ва касб маҳоратларини доимий ошириб бориш сингари вазифаларни қамраб олди.

Танловнинг республика босқичида 45 нафар иштирокчи ва 14 нафар масъул раҳбар қатнашди. Қўриқ-танлов шартларига биноан, иштирокчилар жанговар хизмат, жисмоний тайёргарлик ҳамда тест синовлари, ўқ отиш машғулотларини бажаришди. Синов натижаларига кўра умумжамоа биринчилигида Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси биринчи, Фарғона вилояти ва Навоий вилоятлари ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси эса учинчи ўринга сазовор бўлди. Андижонлик Нодирахон Матмуева “Энг яхши қўриқлаш хизмати аёл ходимаси” номинациясида энг яхши кўрсаткичга эга бўлиб биринчи, Фарғона вилояти вакиласи Ўғиллой Рустамовага иккинчи ўрин насиб этди, Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси взвод командири Карина Касимова учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек, “Энг яхши техник қўриқлаш пункти бошлиғи” номинациясида Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси Техник қўриқлаш пункти бошлиғи, кичик сержант Бекзод Тўхтамуродов, “Энг яхши қўриқлаш милиционерни” номинациясида эса Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси милиционерни Марат Худойбергеновлар фолибликни қўлга киритишди.

Фолибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Элмурод КУЗИЕВ,
катта инспектор, катта лейтенант

“Қўриқлаш” бирлашмаси ИХҚ ва ЮТБ Матбуот гуруҳи

РЕКЛАМА

Замонавий технологияларга асосланган банк хизматлари



Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти

2016 йилнинг ўтган ярим йили давомида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватлаш амалга оширилди.

Хусусан, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 450,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк филиаллари томонидан аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида 132,1 млрд. сўм миқдоридagi микрокредитлар ажратилди.

Банк миқозлари томонидан рақобатбардор, юқори сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва турларни кўпайтиришни рағбатлантириш, ички бозорни истеъмол товарлари билан бойитиш, тайёр

товарлар ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида банк томонидан ажратилган кредитлар 195,4 млрд. сўмни ташкил этди. Қишлоқ жойларида сервис хизматларини ташкил этиш учун жорий йилда 44,1 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Шунингдек, ёш оилаларга ماشини техника жиҳозлари харид қилиш учун 2,9 млрд. сўм истеъмол, 36,6 млрд. сўм ипотека кредити берилди.

Қасб-хунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 11,3 млрд. сўм миқдорда имтиёзли микрокредит ажратилди. Хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркор аёллар рағбатли қўллаётган хўжалик субъектларига эса 69,8 млрд. янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари, оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначилик учун 20,7 млрд. сўм миқдорда микрокредит ажратилди.

Ботир Муратов,
"Самарқанд консерва" акциядорлик жамияти раҳбари:

— Акциядорлик жамиятимиз 1997 йилда ташкил этилган. 2013 йилдан буён АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Самарқанд минтақавий филиалининг мижозимиз.

Биз, асосан, консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. Ишни дастлаб бодринг ва помидор консервалашдан бошлаганмиз. "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Самарқанд минтақавий филиалидан кредит олиб, фаолиятимизни янада кенгайтирдик.

Жорий йилда ҳам янги лойиҳамизни амалга ошириш мақсадида банкга молиявий ёрдам сўраб мурожаат этдик. Тез кунда банк томонидан 807,9 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Лойиҳага асосан кредит маблағларини сабзаёт ва мева маҳсулотлари сотиш олиш, қайта ишлаш, яхна ичимликлар ва бошқа консерваланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирдик. Эндиликда қўзқоринининг шампиньон тури ҳамда тузланган карамидан консерва маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Ҳозирда уларни хорижга экспорт қилмоқдамиз. Лойиҳа доирасида 6 та янги иш ўрни яратилди.

Инвестицион фаоллик ошмоқда

Жорий йилнинг январь ойида Марказий банк томонидан республика тижорат банклари ўртасида 2015 йил якунларига кўра аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича ўтказилган кўрик-танловда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" фаолиятига муносиб баҳо берилиб, Фаргона минтақавий филиалига қарашли "Фаргона" минибанки, Когон филиали ҳамда Беруний филиалига қарашли "Туркул" минибанки бир қатор номинциялар бўйича голлиб деб топилди.

Апрель ойидан бошлаб "Қишлоқ қурилиш банк"да — "P2P" — масофадан туриб интернет сайтлар, махсус иловалар ёрдамида "онлайн" режимида бир пластик картадан бошқа пластик картага маблағ ўтказиш имконияти яратилди. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фойз тўловларини 24/7 режимида пластик карталардан инфокиослар орқали амалга ошириш имконияти жорий этилди.

Шунингдек, банк томонидан фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялашни янада кучайтириш мақсадида шахснинг бармоқ излари нमुнасидадан фойдаланиш — "Биометрик идентификациялаш" тизими жорий қилинди.

Банк ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, шу билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан, қишлоқ жойларида замонавий уй-жойларни барпо этиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун 2016 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида 173,8 млрд. сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари ажратилди. Иқтисодиётнинг барча устувор тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг қўллаб-қувватлаш лойиҳалари молиялаштирилди. Жумладан, санаот соҳасида 37 млрд. сўмлик лойиҳаларга, қишлоқ хўжалиги учун 11,4, транспорт ва коммуникация — 17,7, қурилиш — 29,5, моддий-техник таъминот ва машини хизмат кўрсатиш соҳаларининг 41,6 млрд. сўмлик ҳамда бошқа секторларда фаолият юритувчи субъектларнинг 36,6 млрд. сўмлик лойиҳаларига

инвестиция кредитлари ажратилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган дастурлар доирасида ҳам банк фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Республика ҳудудларини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан қайд этилган даврда АТБ

"Қишлоқ қурилиш банк" хизмат кўрсатиб келаётган корхоналарнинг 433 та лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жами 2 803 та янги иш ўрини яратилишини назарда тутувчи 441 та лойиҳани амалга ошириш учун 33,6 млрд. сўмлик кредит ажратилиши таъминланди.

Дилшод Тамиқаев,
Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги "Shukrona Barakasi" фермер хўжалиги бош ҳисобчиси:

— АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Самарқанд минтақавий филиали мижози бўлган "Shukrona Barakasi" фермер хўжалиги банк томонидан Халқаро Тараққиёт Ассоциацияси кредит линиялари доирасида ажратилган 394 281 АҚШ доллари миқдордаги кредит ҳисобига 10 гектар ерда интенсиив боғ яратди. Янги боғқа хориждан келтирилган олива, нок, олхури, шилос, олива ҳамда шафтолининг пакана ва ярим пакана навли кўчатлари ўтказилди.

Биз интенсиив боғдан юқори ҳосил олиш учун мавсумий агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли олиб бормоқдамиз. Бунда илгор усулларини қўлланилаётганимиз савардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш давомида 16 янги иш ўрни яратилди. Ниҳоллар парваришида илгор технология ва тажрибалар амалиётга татбиқ этилаётгани, турли касалликларга қарши ўз вақтида ишлов берилаётгани юқори ҳосил олиш имконини яратмоқда.

Пул муомаласини барқарорлаштириш — долзарб масала

Марказий банк ташкил этган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари "BankExpo — 2016" IX миллий кўргазмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар бўйича ўтказилган кўрик-танловда, 180 дан ортиқ лойиҳа орасидан 5 та номинация бўйича совриндорлар аниқланди. Унда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" "Кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияси голлиб, деб топилди.

Май ойида "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги банк рейтингини тасдиқлади. Контрагент рискини баҳолаш рейтингини — B1/NP, хорижий ва миллий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли рейтингини — B2/NP, банкнинг барча рейтинглар прогнози — "БАҲҚАРОР".



Хизматлар лицензияланган

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан аҳоли омонатларини янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида 2016 йил давомида жами 8 та янги омонат тури жорий этилди. 2016 йил 1 июль ҳолатига 34 та домий омонат турларига маблағлар жалб этилган бўлиб, шулардан 24 таси миллий валютада, қолган 10 таси хорижий валютадаги омонат турларидир.

Бунинг натижасида қайд этилган даврда жами омонатчилар сони 75 минг нафардан ошди ва уларнинг банкдаги қўйилмалари уй-жой маблағларисиз 198,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу йил бошига нисбатан 22,2 млрд. сўмга ёки 112,6 фоизга ўсганини билдиради.

Отабек Халилов,
АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент шаҳар филиали мижози:

— Бир неча йилдан бери ўзимнинг бўш пул маблағларимни АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Тошкент шаҳар филиалида банк томонидан жорий қилинган омонат турларидан бирида сақлаб келаман. Ҳар ойда омонатга қўйилган жамғармаларим учун тегишли миқдорда фойз оламан.

Шунингдек, "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, омонатлар билан боғлиқ операцияларни мижозларнинг иштирокисиз амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида шахснинг бармоқ излари нмунасидадан фойдаланиш — "Биометрик идентификациялаш" тизими жорий қилинган. Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, омонат ҳисоб варақларидаги маблағлар билан боғлиқ барча операцияларни омонат эгаси бўлган мижознинг беэосита иштирокисиз амалга ошириш имкони бўлмайдиган ва шу билан бирга омонат маблағларига нисбатан банк ходимларининг дахлсизлиги таъминланади.

Бундан ташқари, банкнинг жамғарма кассаларида омонатчиларга омонат маблағлари тўғрисида маълумот олиш имкониятини берадиган "sms-отопла" хизмати йўлга қўйилган бўлиб, бу ўз навбатида биз каби мижозларнинг вақтларини тежайди.

Бир сўз билан айтганда, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 2016 йилнинг биринчи ярим йили давомидаги фаолиятида ўтган йилларда йўлга қўйилган ижобий тенденциялар изчил давом эттирилишига эришилди. Банк эришадиган натижалар мисолида ҳам халқаро ташкилотлар ва таҳлилчилар эътироф этаётган мамлакатимиз банк тизимининг барқарорлик кўрсаткичлари тасдиғини кўриш мумкин.

Банк ахборот хизмати

Qishloq Qurilish Bank

Бугунги кунда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 42 та филиали, 49 та минибанк ва 176 та шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар орқали 670 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахслар мақомидаги мижозларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. 2016 йилнинг 2-чораги якуни бўйича банкнинг соф активлари 4 861,1 млрд. сўмни, банк жами капиталли эса 462,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Уй-жой қурилиши жадаллашмоқда

Маълумки, сўнгги йилларда қишлоқларимиз қиёфасини янада кўркамлаштириш, замонавийлаштиришга қаратилган кенг қамровли қурилиш дастури амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурни давом эттириш мақсадида Президентимизнинг 2016 йил 29 январдаги "2016 йил учун турар-жой мавзеларини қуриш ва қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар бўйича яқин тартибдаги турар-жойлар қурилиши индустриал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида" ги қарори қабул қилинди.

Раҳимжон Қўчқоров,
Фаргона вилояти, Фаргона тумани Машъал массивида қурилган уй-жой эгаси:

— 2013 йилда Машъал массивидаги намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уйни АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Фаргона минтақавий филиали томонидан ажратилган имтиёзли ипотека кредити ҳисобига олди.

Ипотека кредитининг тўловларини, бизга берилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, ўз вақтида тўлаб бораёямиз. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларнинг қатор афзалликлари бор. Яратилган машини шароитлар барча оила аъзоларимизга, айниқса, аёлларимизга жуда маъқул келмоқда. Уйимиз тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминланган. Янги массивнинг барча аҳолиси ижтимоий хизмат объектлари, тиббиёт ҳамда ўқув муассасаларининг яқин жойлашганидан мамнун бўлмоқда.

Шахноза Рустомова,
Қашқадарё вилояти Қарши тумани Гулистон массивида қурилган хонадон соҳибаси:

— АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиали томонидан ажратилган имтиёзли ипотека кредити тўғрисида шундай қўлай ва шинам уй-жойнинг эгасига айландик. Замонавий талаблар асосида қурилган уйимизда фаровон ҳаёт кечирмоқдамиз.

Аваллари кўп қаватли тор уйда яшар эдик. Фарзандимнинг дарс тайёрлаши, меҳмон қотиши учун шароит етарли эмас эди. Ҳозирда барча қўлайликларга эга уйимиз борлигидан беҳад хурсандимиз.

МОҲИЯТ

Абдулла ШЕР,
шоир:

ТАРЖИМАИ ҲОЛИМДАН

Раҳматли олимнинг айтишларича, мен гўдаккимдан эмаламай юриб кетган эканман: ўтирган кўйи, ўнг қўлимга таяниб, бир зумда унинг у бошидан бу бошига бориб келарканман. Ҳозир ҳам ўша-ўшаман: эмалаш нимагини билмайман, қўлимга, фақат ўнг қўлимга таяниб яшайман.

ТИЛ

Тил ўтлоққа ўхшайди. Сўзлар эса — гиллар: қайсисини танлаб олиб, фойдаланиш инсоннинг иши — бадбўйини танлашгани, хушбўйинини; захарлисини ё шифобахшини — ўзинг биласан.

АЛМАШУВ

Ҳозир кўчадан ўтсам, гўзал қизлар салом бериб, хурмат билан ерга қараб ўтади. Бир пайтлар эса ёшлигим кўчаларида бунинг акси бўларди: "Ассалому алайкум, яхши қиз!" десам, улар одатда бурнини жийриб ўтиб кетарди. Бугун, агар мумкин бўлганида, ҳозирги иззат-хурматларнинг ҳаммасини битта ўшандай бурун жийришга жон деб алмашардим.

УЙИМДАГИ СОАТЛАР

Уйимдаги ҳар бир хонада биттадан соат бор. Йўқ, мен коллекциячи эмасман, ўтаётган умрим фарёдини ҳамма хоналардан эшитиб туриш учун шундай қилганман.

НОЗИК КУРАШ

Узоқ вақт мобайнида ёмонлик билан мунтазам кураш олиб борган яхшиликдан ёмонликнинг ҳиди анқийдиган бўлиб қола-

ди: тинимсиз кураш жонига теккан яхшилик, энди ёмонликни ёмонликка ўхшаш зўравонлик йўли билан йўқотишга ҳаракат қилади. Ана шу вақтдан бошлаб яхшилик соғломлигини йўқотди, унга ёмонлик вируси юқди.

ГЎЗАЛЛИК ВА ХУНУКЛИК

Гўзаллик ва хунуқлик бир-бири билан опа-сингилдек яқин. Фақат улар ўғай опа-сингиллар. Гўзалликда хунуқликдан озгина нимадир, хунуқликда гўзалликдан озгина нимадир бор.

ИГНА БИЛАН АНГИШВОНА

Игна ангишвондан анча олдин кашф этилган. Лекин замона зайли ила ангишвона игнага хўжайинчилик қилади. Ҳаётда ҳам кўпинча шундай.

ЁЛҒОННИНГ ХИЛЛАРИ

Ёлғон уч хил бўлади: соф ёлғон, эзгу ёлғон, ёвуз ёлғон. Биринчиси лоф — одамни қулдиради, иккинчиси шафқат — одамнинг кўнглини кўтаради, учинчиси алдов — одамни фожиага олиб боради. Ана шу учинчи ёлғондан фориғ бўлган инсон бахтга, жамият эса фаровонликка эришади.

МУРУВВАТ ВА ШАФҚАТ

Мурувват ва шафқат икки хил фазилат. Биринчиси — эркинлик билан, иккинчиси — мажбурият билан боғлиқ. Мурувватда сенга ёмонлик қилмаган кишига яхшилик қиласан, эркинсан. Шафқатда эса сенга ёмонлик қилган одамга яхшилик қиласан, уни жазоламасликка ўзингни мажбурлайсан.

ШОХ ВА АСО


Дарахтнинг битта яхшигина шохи неча-неча одамларга мева ва соя бериши мумкин, асога айланса, у фақат бир кишига хизмат қила олади, холос. Асога айланишдан қўрқ.



Ватанимиз байроғи Олимпия шаҳарчасида ҳилпирамоқда



2 август кунини Ўзбекистон спорт делегацияси XXXI — Ёзги Олимпиада уйинлари ўтказиладиган Рио-де-Жанейро шаҳрига етиб борди. Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида роппа-роса 70 нафар спортчимиз спортнинг 13 та тури бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.



КИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

Замонавий Олимпиада уйинларига 1896 йил 5 апрель кунини Афинада старт берилган. Очилиш маросимида марказий "Панафинейос" стадионида 80 минг одам ташириб буюрган. Тантаналарни шаҳзода Константин очиб берган. Ушанда илк маротаба Олимпиада маҳжаси хор ширсидеда қўлланган ва 1958 йилга қадар амалда бўлган гимн кейинчалик маълум сабабларга қўра ўзварттирилди.

Тантаналар давомидеда ҳар бир терма жамов атифбо тартибидеда бирма-бир саҳна марказини босиб ўтади. Қоидеда кўра, Греция доим олдинда бўлса, мезбон давлат спортчилари энг сўнғидеда намоён бўлишади. 2004 йил Грецияда бўлиб ўтган парад давомидеда биринчи бўлиб ҳам, охирида ҳам мезбонлар таширтирилган.

Олимпиада уйинларининг ўтказилиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, мусобақа рамзи ҳисобланмиш юзурш баҳсларининг марфшон йўналишида масофалар доимо 40 км. дан 42,25 км. гача бўлган оралиқда ўзгариб келган. 1908 йилга келибгача Лондонда бўлиб ўтган мусобақаларда юзурш масофаси аниқ 42 км. 195 метр қилиб белгиланди.

Халқаро Олимпиада қўмитасининг қарорига қўра олтин медаллар тартибидеда 6 граммдан кам бўлмаган миқдорда олтин қўймаси бўлиши белгилаб қўйилган. Шу кўнға қадар ўтказилган олимпия уйинларидеда энг кўп олтин ишлатилган медаллар Лондон (2012) Олимпиадасидеда.

Сардор ТУРОБОВ

Байроғимиз сарбаланд!

5 август кунини машҳур "Маракана" стадионидеда ўтказиладиган тантанали очилиш маросимидеда боксчимиз Баҳодир Жалолов мамлакатимиз байроғини кўтариб ўтади.

Биринчи бўлиб...

Спортчиларимиз орасидан биринчилардан бўлиб дзюдочиларимиз курашини бошлаб беришади. 60 кг вазн тоифасидеда Диёрбек Ўрозбоев татамига чиқади.

Боксчимиз тарихидеда илк бор...

6 августда бокс баҳслари бошланади. Вакилимиз Ёдгорой Мирзаева аёл боксчиларимиз орасидеда биринчи бўлиб Олимпиадада иштирок этади.

Умидли спортчиларимиз...

Иштирокчиларимиз орасидеда 46 на-

фари илк маротаба ушбу нуфузли мусобақадеда қатнашади.

Энг кўп...

Екатерина Хилько учун ушбу Олимпиада бешинчиси бўлса, Оксана Чусовитина еттинчи маротаба тўрт йилликнинг энг муҳим уйинларидеда иштирок этади. Абдулло Тангриев эса тўртинчи марта Олимпиадада ўз омадини синаб кўради.

Интервью:

— Мен биринчи марта олимпия уйинларидеда қатнашаётганим йўқ. Бироқ ҳар сафар Ўзбекистон байроғи остида, тўрт йилликнинг энг катта мусобақасидеда кортга чиқиш ўзгача ҳиссийетта сабаб бўлади. Насиб қилса, Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиғига муносиб совғалар ҳозирлаймиз, — дейди теннисчимиз Денис Истомин.

РЕКЛАМА



Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк

яқинлашиб келаятган Мустақиллик байрами муносабати билан миллий валютада қўйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"МУСТАҚИЛЛИК – 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнғ берилади.



Шу билан биргалиқда "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларидеда расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!

— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

— эвалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!


— миқдори чекланмаган!

"Асака" банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

БИЛАМИЗМИ?



7 СИРИ

Баҳорнинг охири, ёз келиши билан дастурхонимизни турли ноз-неъматлар беэайди. Уларнинг қай бирини санайлик. Эътиборлиси, бизнинг жаннатмонанд ўлкамизда йилнинг тўрт фаслида ҳам тўқинчилик ҳукмронлиғига дунё аҳлининг ҳаваси келади. Бугун биз она табиятнинг яна бир бебаҳо неъмат тарвузнинг гаройиб хусусиятлари ҳақида баҳоли қудрат сўз юртишга жазм этдик. Хўш, жазирама ёз фаслида жисму жонимизга ўзгача ҳузур, роҳат бағишловчи тарвузнинг сизу биз билмайдиган сирлари ҳам борми? Аксариятимиз унинг буйракка фойдали таъсири, ҳатто қон босимини туширишидан бебабармиз, яна...

ни кўз муқулларини ёш ўтиши билан юзага келувчи ўзгаришлардан ҳамда "тунги шапқурлик" аломатидан ҳимоялаш хусусиятига эга.

Суякларни бақувват қилади

Катта ёшдагилар учун суякларнинг мустаҳкам, соғлом бўлиши жуда муҳим омил саналади. Тарвуздаги ликопин ва калций моддаси суякларнинг бақувват бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири экан.

Қон босимини туширади

Сир эмас, айримлар кўтарилган қон босимини турли хил дори-дармонлар, баъзида жисмоний ҳаракат ва парҳез ёрдамида туширишга уринади. Тарвуз бу борада энг қулай ва безарар даво эканини биласизми? Ундаги мағний ва калций қон босимини тушириши мутахассислар томонидан исботланган.

Нафас сиқишида ҳам...

Экспертларнинг фикрича, тарвуз таркибидедаги қўқори миқдордаги С витамини зикнафас касаллиғига қарши ажойиб профилактика вазифасини ўташи қайд этилган. Бундай дард билан қўқорувчи беморларда тарвуз ўпканинги умумий ҳолатини яхшилайди.

Умидеда ХУДОЙНАЗАРОВА тайёрлади.

Терини яхшилайди

Терингиз соғлом ва гўзал бўлишини истасангиз кўндалик таомномангизга албатта тарвузини киритинг. Тадқиқотларга кўра тарвуздаги А витамини тери ҳужайраларининг янгила-нишида иштирок этади ва терига ёрқин жило беради.

Юракни даволайди

Юрак хасталиқларига чалинган беморлар шифокорга мурожаат қилишлари зарур. Шу билан бирга мутахассисларнинг таъкидлашича, тарвуздаги ликопин моддаси юрак муқулларини мустаҳкамлар экан. Бундан ташқари тарвуздаги мавжуд С витамини, каротиноидлар ва калций қондаги холестерин миқдорини пасайтириб, юракни ҳимоялашга қодир экан.

Буйракка қони фойда

Буйракдаги тошлар жуда қаттиқ оғриқларга сабаб бўлиши мумкин. Олимларнинг изланишларига қараганда, тарвуз тановул қилиш буйракларга оғриқлик қилмай, аксинча, улар фаолиятини яхшилаши исботланган.

Кўзга нур бағишлайди

Тарвузини кўпроқ истеъмол қилиш кўзларимизга ҳам фойдали таъсир кўрсатар экан. Ундаги А витами-

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi.asr@mail.uz



Телефонлар:
қабулхона — 215-63-80
(тел./факс).

Котибият — 281-40-17
Реклама ва шартнома-лар бўлими — 215-60-45,
255-68-50

"XXI asr" иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғидеда 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматидеда босилди.
Ҳажми — 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г — 866 Тираж: 8380
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди — 21:30

Тахриратта келган қўлезмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайд.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларда манба сифатидеда газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нукта назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказидеда терилди ҳамда дизайнёр
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан сақлаланди.

ISSN 2151-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Набатчи муҳаррир:
Аббар МУЗАФФАРОВ